


**OSCE**

Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ**  
**24 октябрь 2021 йил**

**ДИИҲБ Сайловни кузатиш бўйича миссияси  
Якуний ҳисобот**



**Варшава  
2022 йил 22 апрель**

## МУНДАРИЖА

I.	ЯКУНИЙ ҲИСОБОТНИНГ ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ .....	1
II.	МУҚАДДИМА ВА ТАШАККУРНОМАЛАР .....	4
III.	МАСАЛА ТАРИХИ ВА СИЁСИЙ ВАЗИЯТ .....	5
IV.	САЙЛОВ ТИЗИМИ ВА ҚОНУНЧИЛИГИ .....	6
V.	САЙЛОВ МАЪМУРЧИЛИГИ .....	8
VI.	САЙЛОВЧИЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ .....	11
VII.	НОМЗОД ВА ПАРТИЯЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ .....	13
VIII.	САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ .....	15
IX.	КАМПАНИЯНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ .....	19
X.	МЕДИА .....	20
	A. МЕДИА МУҲИТ .....	20
	B. МЕДИА ҚОНУНЧИЛИГИ .....	22
	C. МЕДИА МОНИТОРИНГ НАТИЖАЛАРИ .....	25
XI.	МИЛЛИЙ ОЗЧИЛИКЛАР ИШТИРОКИ .....	26
XII.	ШИКОЯТЛАР ВА АППЕЛЯЦИЯ .....	27
XIII.	САЙЛОВНИ КУЗАТИШ .....	28
XIV.	САЙЛОВ КУНИ .....	29
	A. ОЧИЛИШ МАРОСИМИ ВА ОВОЗ БЕРИШ .....	30
	B. ОВОЗЛАРНИ САНАШ .....	31
XV.	ТАВСИЯЛАР .....	32
	A. УСТИВОР ТАВСИЯЛАР .....	32
	B. БОШҚА ТАВСИЯЛАР .....	33
	ИЛОВА I: САЙЛОВНИНГ ЯКУНИЙ НАТИЖАЛАРИ .....	36
	ИЛОВА II: САЙЛОВЛАРНИ КУЗАТИШ ХАЛҚАРО МИССИЯСИ ТАРКИБИДАГИ КУЗАТУВЧИЛАР РЎЙХАТИ .....	37
	ДИИХБ ҲАҚИДА .....	50

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ  
24 октябрь 2021 йил**

**ДИИХБ Сайловни кузатиш бўйича миссиясининг  
якуний ҳисоботи<sup>1</sup>**

**I. ЯКУНИЙ ҲИСОБОТНИНГ ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ**

Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссиясининг (МСК) таклифига биноан ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон хуқуqlари бўйича бюроси (ДИИХБ) 2021 йил 24 октябрда бўлиб ўтган президент сайловларини кузатиш мақсадида Сайловни кузатувчилар миссиясини (СКМ) ташкил этди. ДИИХБ СКМ сайловлар ЕХХТ мажбуриятлари ва демократик сайловлар борасидаги бошқа халқаро мажбуриятлар ва стандартларга, миллий қонунчиликка мувофиқ ўтганлигини баҳолади. Сайлов кунини кузатиш мақсадида ДИИХБ СКМ ҳамда Европа парламенти ва ЕХХТ Парламент Ассамблеясининг кузатувчилари делегациясидан иборат Сайлов кузатувчиларнинг халқаро миссияси (СКХМ) шакллантирилди.

2021 йил 25 октябрь куни СКХМ эълон қилган Дастребки натижалар ва хулосалар Баёнида сайловлар “мамлакатда яқинда амалга оширилган ислоҳотлар сабабли кўп кутилган турли ижобий ўзгаришлар содир бўлғанлигига қарамай, бу ислоҳотлар чин маънодаги плюралистик муҳит яратадиги олмаганини намойиш қилди. Хусусан, тамал хуқуқ ва эркинликларига бўлган бальзи эски чекловлар ҳамон ЕХХТ мажбуриятларига зид эканлигича қолмоқда. Куни кеча ўтказилган сайловда бир неча номзодлар рақобатлашди, аммо бу номзодлар на ўзаро, на сайловчилар билан бирор мазмунли баҳс-мунозара қурмади. Қолаверса, номзодлар амалдаги президентга эътиroz билдиришдан ёки уни танқид қилишдан тийилган. Сўнгги пайтларда медиа маконда, хусусан интернетда анча ижобий ўзгаришлар кузатилганига қарамай, фуқаролар ўз фикрларини эркин ва тўлиқ ифода этишлари назорат остида қолмоқда. Сайловга жуда пухта ва сифатли тайёргарлик кўрилган. Сайлов куни осойишталик билан ўтгани диққатга сазовор, бироқ сайлов куни жиддий процессуал қоидабузарликлар кузатилган; овоз бериш, овозларни санаш ва якуний жараёнларда сайловнинг муҳим жиҳатларига эътибор берилмаган” деб хулоса қилинган эди.

Мамлакат Конституциясида инсоннинг асосий хуқуқ ва эркинликлари кафолатланган, лекин амалда улар қонуности ҳужжатлари билан чекланган ва тўлиқ таъминланмаяпти. Охири йилларда, жумладан 2021 йилда ҳам, сайловга оид қонунчилик жиддий ислоҳ қилинди. Қабул қилинган тузатишлар ЕХХТ ДИИХБнинг бир қатор аввалги тавсияларининг ижобий таъминланишига олиб келди. Сўнгги пайтларда бўлган қатор ўзгаришларга қарамай, мамлакат қонунчилик базасида ҳамон бир қатор камчиликлар мавжуд бўлиб, ушбу қонунчилик ҳамон демократик сайловлар борасидаги халқаро стандартларга ва ЕХХТ мажбуриятларига, хусусан сайлов хуқуқи ҳамда уюшиш, йиғилиш ва фикр билдириш эркинликларини тўлиқ таъминлаш борасидаги мажбуриятларига тўлиқ мос келмайди. ЕХХТ мажбуриятларига кўра талаб этиладиган маслаҳатлашиш ёндашувига сайлов қонунчилигини ислоҳ этишда тўлиқ амал этилмаган.

COVID-19 пандемияси билан боғлиқ муаммоларга қарамай, Марказий сайлов комиссияси (МСК) ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда профессионал тарзда ва пухта амалга ошириди. Жамоатчилик учун очик йиғилишлар ўтказиб, қарорларини ўз вактида эълон қилиб турган

<sup>1</sup> Ушбу ҳисоботнинг факат инглиз тилидаги версияси расмий ҳужжатdir. Норасмий таржима ўзбек ва рус тилларида мавжуд.

МСК сайлов жараёнининг ошкора тарзда ўтишига ўз хиссасини қўшди. Шу билан бирга, МСК жамоатчилик манфаатида бўлган, сайловга доир бир қатор муҳим маълумотларни, жумладан мустақил назоратга аз қотиши мумкин бўлган, рўйхатга олинган сайловчилар ва сайлов натижалари ҳақидаги алоҳида, жамланмаган маълумотларини тақдим этмади. МСК сайлов кунига қадар мамлакат бўйлаб сайловчиларни сайловлар тўғрисида хабардор қилиш бўйича кенг кўламли кампанияни бир неча тилда ташкил этди. Имконияти чекланган кишиларга сайловларда қулайлик яратиш учун бир қатор тартиб-қоидалар қабул қилинди. Анъанавий институт ҳисобланган “Маҳалла” қўмиталарининг сайлов жараёнини ташкил этишдаги марказий ўрни қуи даражадаги сайлов комиссияларининг мустақил равища фаолият юритишига салбий таъсир кўрсатди.

Мазкур сайловда 20.1 миллионга яқин сайловчи рўйхатга олинган. Ақлий ва психоижтимоий имконияти чекланган шахсларнинг овоз бериш хуқуқи бўйича чекловлар сақланиб қолинмоқда, бу эса халқаро стандартларга зиддир. 2019 йилда жорий этилган Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати (СЯЭР) ушбу сайлов учун янгиланиб, янада такомиллаштирилди. Сайловчилар рўйхати кенг жамоатчиликка тақдим қилинган. Халқаро амалиётга зид равища, сайлов куни сайлов участкаларида сайловчилар рўйхатига тегишли суд қарори ёки маъмурий тартибсиз сайловчиларни қўшиб қўйиш жуда кўп учради. Ушбу кенг кузатилган амалиёт бир неча бор овоз берилишига олиб келди ва сайловчилар рўйхатининг яхлитлигига раҳна солди.

Сайловларда партиялар томонидан кўрсатилган беш номзод, шу жумладан амалдаги президент ҳам иштирок этди; номзодларнинг бири аёл киши эди. Номзодларни рўйхатга олиш ҳаддан ташқари қаттиқ талабларни, жумладан истиқомат давомийлиги, давлат тилини билиш ҳамда номзодлиги факатгина сиёсий партия томонидан тақдим этилиши каби ножоиз талабларни бажаришни тақозо этди, бу эса халқаро стандартларга зиддир. Бу ўз навбатида, партияларни рўйхатга олиш талаблари ҳам бажариш учун ўта оғир эканлигини ва ўзбошимча талқинга сабаб бўлиши мумкинлигини ҳисобга олса, сайланиш учун ўз номзодини суриш хуқуқини ноўрин тарзда чеклади ва сайлов мухити плюрализм асосида ўтишига тўскинлик қилди. 2021 йилда иккита партиянинг рўйхатдан ўтиши хужжатлари талабга мос бўлмагани учун рад қилинган.

Тенг хуқуқлилик Конституцияда кафолатланганлиги ҳамда яқинда парламентдаги хотин-қизлар сонининг сезиларли даражада ошганлигига қарамай, ижтимоий ва сиёсий соҳада хотин-қизларнинг иштироки ҳамон етарли даражада юқори эмас. Хотин-қизлар қуи даражадаги сайлов комиссиясининг аъзоларининг деярли ярмини ташкил этган бўлса-да, раҳбарлик даражасида уларнинг сони унчалик кўп бўлмади. Номзодларнинг бир қатор чиқишиларида гендер масалалари тилга олинган, бироқ бу масалалар сайловолди баҳс-мунозараларида у қадар кўзга ташланмади. Сайловолди ташвиқот тадбирларида асосан эркаклар сўзга чиқди.

Сайловолди кампанияси барча худудларда, шу жумладан Интернетда деярли сезилмайдиган даражада ўтди. Сайлов кампаниясида жиддий рақобат мухити кузатилмади, чунки номзодлар ўзаро ҳамда бевосита фуқаролар билан жўяли баҳс-мунозарага киришмади. Бу ўз навбатида сайловчилар сиёсий танловининг чекланишига олиб келди. Ҳеч қайси номзод Президентга қарши гапирмади ёки унинг сиёсатини танқид қилмади. Сайловолди тадбирларнинг ўтказиш аввалги тизими, ДИИХБнинг аввалги тавсияларига мувофиқ тарзда, маҳаллий ҳокимиятни тадбирдан уч кун аввал огоҳлантириб қўйиш тартибиға алмаштирилган. ЕХХТ мажбуриятларига зид равища, амалдаги президентнинг президентлиги ва номзодлиги ўртасидаги чегара баъзида мавҳум бўлган, натижада амалдаги президентнинг ҳозирда эгаллаб турган лавозими унинг номзод сифатидаги сайловолди кампанияларида анча қўл келди. Сайловолди кампаниясида асосан ижтимоий-иктисодий масалалар кўтарилиди, аммо кампания мобайнида бирорта масалалага устивор тарзда эътибор қаратилмади.

Сайловолди кампаниялари давлат бюджетидан молиялаштирилади. Уларни бошка турдаги манбалар хисобидан молиялаштириш тақиқланган, бу эса фуқароларнинг ўз сиёсий қўллаб-куватловини эркин намоён этиш хуқуқини чеклайди ҳамда халқаро амалиётга зиддир. ДИИХБнинг аввалги тавсияларини қисман инобатга олган тарзда, сиёсий кампанияларни молиялаштириш тўғрисидаги хисоботлар бўйича мажбуриятлар янги оралиқ хисоботни ва сайловдан кейин тақдим қилинадиган якуний хисоботларни ўз ичига олди. Бироқ молиявий камчиликларни самарали жазолаш механизмининг йўқлиги ҳамда хисобдорликнинг шаффоф эмаслиги сайлов кампанияларни молиялаштириши устидан самарали назорат ўрантишга путур етказади.

Ахборот муҳити яхшиланганлиги маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини ва ижтимоий муаммоларни, хусусан Интернет орқали танқидий чиқишлар кўпайишига йўл очиб берди. Бироқ ДИИХБ СКМ ОАВ бўйича қилган мониторинги ОАВ ва ижтимоий тармоқларда юқори мансабдор шахслар ва номзодларга нисбатан танқид деярли йўқ эканлигини кўрсатиб берди. Сайлов ва номзодларга бағищланган таҳлилий материаллар ҳам деярли учрамади. Медиа соҳасини ўта чекловчи қонунчилик, журналист ва блогерларни ҳибсга олиш, кўрқитиши таъзиқ ўтказиши ҳолатлари ҳамда веб-сайтларни блоклаш амалиёти журналист ва блогерлар орасида ўзини ўзи цензуралашга олиб келди, бунинг натижасида жамоатчиликка тақдим этилиши мумкин бўлган сиёсий маълумотнинг тури ва ҳажми янада камайган.

Номзодларнинг сайловолди кампанияси давомида давлат телеканаллари барча номзодлар ҳақидаги маълумотларни тенг равища эфирга беришга харакат қилди, кузатилган аксар хусусий ОАВ амалдаги президент фаолияти ҳақида қолган барча номзодлар ҳақидаги хабарларни қўшиб ҳисоблаганда ҳам кўпроқ хабар бериб бордилар. Шунингдек, мониторинг қилинган барча ОАВ номзодлардан биринининг амалдаги президент сифатидаги фаолиятини жуда кенг ёритган, баъзида ушбу номзоднинг президентлиги ва номзодлиги ўртасидаги чегара хиралашиб кетган.

Ўзбекистон кўпмиллатли мамлакат бўлиб, ундаги этник озчилик аҳолининг 16,2% қисмини ташкил қиласи. Бу сайловларда этник озчиликка мансуб номзод иштирок этмади. Ҳеч бир номзод ўз сайловолди кампаниясида мамлакатдаги миллатлараро ва элатлараро масалаларга ургу бермаган. Сайловолди кампанияси давомида миллий озчилик вакилларига нисбатан салбий фикр билдириш ёки камситиши ҳолатлари ҳақида маълумот келиб тушмади, бундай ҳолатлар кузатилмади.

Сайловлардаги баҳсли масалаларни ҳал қилиш механизми такомиллаштирилиб, ДИИХБнинг аввалги тавсияларига мувофиқ, баҳсли ҳолатларни ҳал қилишнинг муқобил усусларига барҳам берилиди. Бироқ эндиғина киритилган бу ислоҳотларни амалда синаб кўриш имкони бўлмади, чунки қуий даражадаги сайлов комиссиялари ва судларга ҳеч қандай шикоятлар келиб тушмаган. ДИИХБ СКМ сұхбатдошларига кўра, бу жамоатчиликнинг одил суд тизимиға бўлган ишончи пастлигидан далолат бўлиши мумкин.

Сайлов конунчилиги сайлов жараёнини халқаро ташкилотлардан кузатувчилар, сиёсий партияларнинг вакиллари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бўлмиш Маҳалла қўмиталаридан кузатувчилар кузатишини белгилаб берган. Халқаро стандартлар ва EXXT мажбуриятларига зид равища, фуқаролик жамияти сайловни кузатишига йўл қўйилмайди, бу эса сайлов жараёнларининг шаффофлигини ҳамда жамоатчилик назоратини чеклайди.

Сайлов куни осойишта ва тартибли ўтди, унда жами сайловчиларнинг 80 фоизидан кўпроғи иштирок этгани айтилган. Умуман олганда, деярли барча кузатилган сайлов участкаларида карантин қоидаларига амал қилинган. Сайлов жараёнининг бошланиши ижобий баҳоланган, лекин сайлов куни кузатувчилар ўзлари ташриф буюрган сайлов участкаларининг 11 фоизидаги сайлов жараёнларини салбий баҳоладилар. Хусусан, ушбу участкаларда кўплаб жиддий қоидабузарликлар

кузатилган. Шу жумладан, сайлов қутиларига бир киши томонидан бир нечта бюллетенлар ташлаш, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз ўз сайлов бюллетенларини топшириш ёки бошқалар номидан овоз бериш ҳолатларига йўл қўйилган. Кузатилган участкаларнинг учдан бирида овозларни санаш тартиб-қоидаларига риоя қилинмади, сайлов участкаларида эса, натижаларни қайд қилишда номувофиқлар сабабли, баъзи қийинчиликларга дуч келинди, ушбу жараёнда бегона инсонлар қатнашган. Ташриф буюрилган округ сайлов комиссияларининг деярли ярмида, уюшқоқсизлик ва белгиланган тартибга риоя қилинмаганигини, шаффоффлик бўлмаганини инобатга олган ҳолда якуний натижаларни қайд қилиш жараёни салбий баҳоланганд. Минтақабай ёки маҳаллабай сайлов маълумотлари ошкор этилмаганлиги хам сайлов жараёнининг шаффоффлигига путур етказди.

Ушбу хисоботда Ўзбекистонда демократик сайловлар бўйича ЕХХТ доирасидаги мажбуриятлар ҳамда бошқа ҳалқаро мажбуриятлар ва меъёрларга тўлалигича мувофиқ бўлмиш сайловларни ўтказиш борасидаги ҳаракатларни қўллаб-куватлаш мақсадида бир қатор тавсиялар кўриб чиқиш учун тақдим этилмоқда. Устивор тавсиялар сиёсий ва ижтимоий уюшиш, йиғилиш ва, жумладан онлайн, фикр билдириш эркинликларини янада тўлиқроқ таъминлашга, сайлов жараённида мустақил фуқаролик ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларига кузатувчиликни амалга ошириш имконияти берилишига, сайлов маъмурчилигининг мустақиллигини оширишга, сиёсий партия ва номзодларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини ЕХХТ мажбуриятларига янада мослашга, сайловолди кампанияси мобайинда давлат ва партия ўртасидаги аниқ чегарани саклаш тамойилига содик қолишига, сайлов куни сайловчилар рўйхатини бузмасликка тегишли қонун ва қарорлар қайта кўриб чиқилиши ва ўзгартирилишига доир. ДИИХБ сайлов жараёнини янада яхшилашда ва ушбу ҳамда аввалги хисоботларда берилган тавсияларга амал қилишда Ўзбекистон Республикасининг ҳокимият органларига ёрдам беришга тайёр.

## II. МУҚАДДИМА ВА ТАШАККУРНОМАЛАР

Марказий сайлов комиссиясининг (МСК) расмий таклифи ҳамда мамлакатга 2021 йилнинг 24-28 май кунлари ташриф буюрган Эҳтиёжларни баҳолаш миссиясининг (ЭБМ) тавсиялари асосида ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХХТ/ДИИХБ) 15 сентябрь куни Сайловни кузатувчилар миссиясини (СКМ) ташкил этди. Оуэн Мёрфи бошчилик қилган СКМ таркибида мамлакат пойтахтида фаолият олиб борган 17 нафар мутахассис ва 24 сентябрдан бутун мамлакат бўйлаб фаолият юритган 28 нафар узоқ муддатли кузатувчи бўлган. ДИИХБ СКМ мамлакатда 3 ноябргача бўлган.

ДИИХБ СКМ сайловлар ЕХХТ қоидалари ва бошқа демократик сайловлар борасидаги ҳалқаро мажбуриятлар ва стандартлар, миллий қонунчиликка мувофиқ ўтганлигини баҳолади. Ушбу якуний хисобот 2021 йил 25 октябрь куни эълон қилинган Дастребки натижалар ва хуносалар Баёнига асослангандир.<sup>2</sup>

Сайлов кунини кузатиш мақсадида ДИИХБ СКМ, Европа парламенти ҳамда ЕХХТ Парламент Ассамблеясининг кузатувчилари делегациясидан иборат Сайлов кузатувчиларнинг ҳалқаро миссияси (СКХМ) шакллантирилди. Райнолд Лопатка (Reinhold Lopatka) ЕХХТнинг амалдаги раиси томонидан маҳсус координатор ва ЕХХТнинг қисқа муддатли кузатувчилар миссияси раҳбари этиб тайинланди. Даниэла де Риддер (Daniela De Ridder) ЕХХТ ПА делегациясига, Хейди Хаутала (Heidi Hautala) эса Европа Парламенти (АП) делегациясига раҳбарлик қилди. СКХМ доирасида сайлов куни 44 давлатдан 365 кузатувчи иштирок этди, шулардан 42 фоизи аёллардир.

<sup>2</sup> Ўзбекистондаги сайловларга доир ДИИХБнинг аввалги хисоботларини [кўринг](#).

ДИИХБ СКМ мамлакат ҳокимиятига сайловни кузатиш учун юборган таклифи, Ташқи ишлар вазирлиги ва МСКга кўрсатган ёрдам ва ҳамкорлиги учун ўз миннатдорчилигини билдиради. Шунингдек СКМ кўрсатган ҳамкорликлари ва билдирган фикри учун бошқа марказий ва маҳаллий давлат муассасалари, сиёсий партиялар, ОАВ ва фуқаролик жамияти ташкилотлари ҳамда халқаро ҳамжамият вакилларига ўз миннатдорчиликларини изхор этади.

### III. МАСАЛА ТАРИХИ ВА СИЁСИЙ ВАЗИЯТ

2021 йилнинг 23 июль кунида МСК навбатдаги президент сайловларини 2021 йил 24 октябрда ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.<sup>3</sup> Бу сайловлар амалдаги президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга ошираётган 2017-2021 йиллар учун мўлжалланган ривожланиш дастури, жамоатчилик орасида “Янги Ўзбекистон” номи билан танилган стратегияга мувофиқ ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар контекстида бўлиб ўтди.<sup>4</sup> Сайловлар шунингдек давом этаётган COVID-19 пандемияси ҳамда яқинда қўшни Афғонистонда юз берган бекарорлик даврида бўлиб ўтди.<sup>5</sup>

Конституцияда президентга кенг ваколатлар берилган. Давлат раҳбари ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқариши орқали парламент билан бир қаторда қонунчилик ташаббусига эга. Бундан ташқари, президент мамлакат Бош прокурори, Давлат хавфсизлик хизмати раиси, бошқа юқори лавозимдаги мансабдор шахслар ва судьяларни тайинлашда муҳим роль ўйнайди. Олий Мажлис (икки камерали парламентнинг қуви, Қонунчилик палатаси) қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади, президентнинг тақдимига биноан Бош вазир номзодини кўриб чиқади ва тасдиқлади, ҳамда 2019 йилдаги конституциявий ўзгартиришларга кўра, Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларини маъкуллайди.

2019 йилнинг январида Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон экологик партияси рўйхатдан ўтказилгандан кейин мамлакат сиёсий муҳитида бошқа ўзгаришлар деярли кузатилмади. 2019 йилдаги парламент сайловларида Ўзбекистон Либерал Демократик Партияси (ЎзЛиДеп) 53 ўрин, “Миллий Тикланиш” Демократик Партияси (МТДП) 36 ўрин, “Адолат” Социал Демократик Партияси (АСДП) 24 ўрин, Халқ Демократик Партияси (ХДП) 22 ўрин ҳамда Ўзбекистон Экологик Ҳаракати 15 ўрин олган эди.

Президент Шавкат Мирзиёвнинг Ўзбекистон 2020 йилнинг октябрида БМТ Инсон хукуқлари бўйича кенгашининг таркибига киритилганлиги муносабати билан кенгаш сессиясида сўзлаган нутқида келгусида мамлакатда амалга ошириладиган устувор йўналишлар қаторида фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, Ўзбекистонда сўз эркинлигини ҳар томонлама кўллаб-қувватлашни қатъий мақсад қилинганлиги айтилган.<sup>6</sup> Бу нутқ сайлов иштирокчилари

<sup>3</sup> Парламент 2021 йилнинг февралида Конституцияга киритган ўзгартиришлар орқали сайловни декабрь ойидан октябрь ойида ўтказилишини белгилаган. Конституцияга ўзгартиришлар Қонунчилик палатаси аъзоларининг учдан иккисининг овоз бериши ёки умумхалқ референдуми орқали киритилади.

<sup>4</sup> Шавкат Мирзиёев 2016 йилда бўлиб ўтган сайловларда 88.6 фоиз овоз билан президент этиб сайланган эди.

<sup>5</sup> Шавкат Мирзиёвнинг 2021 йилнинг сентябрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессиясидаги нутқида Афғонистон Марказий Осиёнинг узвий қисми эканини, Ўзбекистон ўзбек-афғон чегарасини очиб, ушбу мамлакатга бирламчи зарур бўлган озиқ-овқат, нефть маҳсулотлари ва электр энергияси етказиб беришни қайта тиклаганини айтган.

<sup>6</sup> Президент Шавкат Мирзиёвнинг БМТ Инсон хукуклари бўйича кенгашидаги [нутки](#), 2021 йил, 22 февраль.

томонидан сиёсий соҳада янада плюралистик ва рақобатга асосланган тизимга ўтилиши йўлидаги кейинги босқич дея баҳоланди.

Шунга қарамай, ҳозирча, партияларнинг бирортаси ҳам амалдаги президент сиёсатига муҳолиф сифатида ўзини тақдим қилмаган ҳамда ҳеч қайси партия унинг президентлик дастуридан жиддий фарқ қилувчи дастурни таклиф қилмаган. 2021 йили Адлия вазирлиги “Ҳақиқат ва Тараққиёт” социал-демократик партияси ҳамда “Халқ манфаатлари” демократик партиясини давлат рўйхатидан ўтказиш талабларини бажармагани учун рўйхатдан ўтказмаган. Ушбу сайловлар олдидан бирорта бошқа янги сиёсий партия ҳам рўйхатдан ўтмади. Чин рақобат муҳитининг мавжуд эмаслиги ҳамда партияни рўйхатдан ўтказиш учун талабларнинг ўта юқорилиги ЕХХТнинг 1990 йилги Копенгаген хужжати 3- ва 7.6-бандларига зид равишда сиёсий муҳитнинг плюралистик жиҳатига путур етказди.<sup>7</sup>

#### IV. САЙЛОВ ТИЗИМИ ВА ҚОНУНЧИЛИГИ

Президент беш йиллик муддатга умуммиллий сайловда тўғридан тўғри овоз бериш орқали сайланади. Президентликка сайловида иккитадан кўпроқ номзод иштирок этган тақдирда, овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг бошқа номзодга нисбатан қўпчилик овозини олган номзод сайланган деб ҳисобланади. Агар улардан ҳеч бири овоз беришда иштирок этган сайловчилардан ярмидан кўпининг овозини олмаган бўлса, такrorий овоз бериш ўтказилади, унда энг кўп овоз тўплаган икки номзод иштирок этади. Такrorий овоз бериш куни президент сайлови ўтказилган кундан эътиборан бир ой ичida, лекин сайлов ўтказилган кундан камида ўн беш кун кейин ўтказиладиган қилиб тайинланади. Рўйхатга олинган барча сайловчиларнинг 33 фоизи сайловда иштирок этиши талаби фақат сайловларнинг биринчи турига тегишли. Конституцияда президентликка номзодини қўйиш ваколати муддати кетма-кет икки муддат билан чекланади.

Сайлов қонунчилиги 1992 йил қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2019 йили қабул қилинган Сайлов кодекси, 1996 йили қабул қилинган “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонун (СПК), 2004 йилги “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонун (СПМК), 1995 йилги Жиноят кодекси ва 1995 йилги “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодекс каби хужжатларни ўз ичига олади. Мазкур қонунчилик муайян ислоҳотларни ўз бошидан кечирди: 2021 йилда сайловга оид барча қонунларга, жумладан, Конституция ва Сайлов кодексига ўзгартиришлар киритилди.<sup>8</sup> Ўзбекистон демократик сайловларни ўтказишга доир асосий халқaro хужжатларга имзо чеккан.<sup>9</sup>

<sup>7</sup> [1990 йилги Копенгаген хужжатининг](#) 3-бандида, ЕХХТга аъзо мамлакатлар “...сиёсий ташкилотлар борасида плюрализмнинг муҳимлигини тан оладилар”, 7.6-бандида эса “...алоҳида шахслар ёки кишилар гуруҳининг тўлиқ эркинлик шароитида ўз партияларини ёки бошқа сиёсий ташкилотларни тузиш хуқуки ҳурмат қилиниши...” таъкидлаб ўтилади. Шунингдек, БМТнинг Инсон хуқуқлари бўйича қўмитасининг [1966 йилги Фуқаровий ва сиёсий хуқуқлар тўғрисида халқaro пактга \(ФСХХП\) 1996 йилги 25-умумий Изохларнинг](#) (бундан кейин “ФСХХП 25-умумий Изоҳи” деб аталади) 4- ва 27-бандларига қаранг.

<sup>8</sup> Сайлов қонунчилигидан ташқари ўзгартиришлар жумладан коррупцияга карши курашиш, қонун ижодкорлиги, суд тизими, давлат хизматлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш соҳаларида ҳам содир бўлган.

<sup>9</sup> Жумладан, Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияга (CEDAW), Фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар тўғрисидаги халқaro пактга (ICCPR), Барча турдаги ирқий дискриминацияларга барҳам бериш конвенциясига, Коррупцияга карши БМТ конвенциясига, [Ногиронлар хуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга](#) (CPRD) ва МДХнинг демократик сайловлар, сайловга доир хуқуқлар ва эркинликлар стандартлари тўғрисидаги [конвенцияга](#).

Баъзи ижобий ўзгаришларга қарамай, сайлов қонунчилигида бир қатор камчиликлар сақланиб қолмоқда, ушбу қонунчилик демократик сайловлар билан боғлиқ халқаро стандартлар ва ЕХХТ мажбуриятларига тўлиқ мос келмайди. Қонунчиликка киритилган сўнги тузатишлар сайлов кампанияси тадбирларини ташкил қилиш тартибини енгиллаштириш, баъзи давлат хизматчиларининг сайлов кампанияларида иштирокини тақиқлаш, сайлов кампанияларини молиялаштириш тўғрисидаги оралиқ ҳисоботларни жорий қилиш, баҳсли ҳолатларни ҳал қилишдаги муқобил йўлларга барҳам бериш каби ДИИХБнинг аввалги тавсияларини инобатга олган.<sup>10</sup> ДИИХБнинг баъзи тавсиялари эса кўпдан бери эътиборсиз қолдирилмокда. Булар жумласига муайян сайлов хуқукларни чекламаслик, мустақил номзодларни сайловда иштирок этишини тақиқламаслик ва сайлов кампанияларни молиялаштиришда муқобил манбаларни жалб этишга руҳсат бериш каби таклифларни кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари, қонунчиликда айрим ноаникликлар ва камчиликлар ҳам сақланиб қолмоқда.<sup>11</sup>

*Сайлов қонунчилигини ислоҳ қилишига қаратилаётган ҳаракатлар ДИИХБнинг ушбу ва аввалги ҳисоботларида аниқланган камчиликларни ўзаро маслаҳатлашув орқали бартараф этишида давом этиши лозим.*

ДИИХБ СКМ сұхбатдошларининг бир нечтаси таъкидлаганидек, сайлов қонунчилигини ислоҳ қилиш жараёнида ЕХХТ мажбуриятларida кўзда тутилган ўзаро маслаҳатлашув тамойилига доимо ҳам тўлиқ амал қилинмаган.<sup>12</sup> Сұхбатдошларга кўра, қонун ижодкорлиги жараёнида жамоатчиликнинг иштирокини таъминлашга қаратилган бир неча янги қулийликларга қарамай, бу янги инструментлардан фойдаланиш назорат остида бўлиб, улардан фақатгина хокимият томонидан аввалдан қўллаб-куватланган ташаббуслар доирасида фойдаланиш мумкинdir, бу эса жамоатчиликнинг таъсир кучини камайтиради.<sup>13</sup> ДИИХБ СКМ баъзи сұхбатдошларининг таъкидлашича, ногиронлиги бўлган шахсларнинг хуқуклари тўғрисидаги қонун қабул қилинишидан олдин жамоатчилик мухокамасига қўйилмаган, бу эса ўз навбатида ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий хуқуклари борасидаги стандартлар халқаро стандартлар даражасига етмай қолишга сабабчи бўлган.

<sup>10</sup> Бошқа ўзгартиришлар қуий бўғин сайлов комиссиялари таркибини ўзгартириш ва кенгайтириш, хорижда овоз бериш, натижаларни эълон қилиш ва сайлов жараёнининг бошқа техник жиҳатларига тегишли.

<sup>11</sup> Қонунда, хусусан, номзодни қўллаб-куватловчи имзоларга доир худудий талаблар, номзодлар номзодликдан воз кечиши, сайлов билан боғлиқ қоидабузарликлар учун жиноий ва маъмурий жазолар борасидаги қоидалар мавхум ёки батафсил ёритилмаган.

<sup>12</sup> 1990 йилги Копенгаген ҳужжатининг 5.8-бандида «қонунчилик жамоатчилик билан ўзаро маслаҳатлашувдан сўнг қабул қилиниши лозимлиги» айтилган.

<sup>13</sup> «Менинг фикрим» веб-портали орқали камида 5 фуқаро томонидан қўллаб-куватланган мурожаат матни киритилади. Мурожаат модератор – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти томонидан экспертизага қабул қилинади. Мурожаатга модератор ижобий хулоса (ДИИХБ СКМ сұхбатдошларининг айтишича, бу 60 кунгача вақт олиши мумкин) бергандан сўнг мурожаат умумий овоз бериш учун «Mening fikrim» веб-порталаида эълон қилинади. Умумий овоз бериш мурожаат эълон қилингандан сўнг 90 кун давомида амалга оширилади. Олий Мажлиснинг палаталарига юборилган мурожаат фуқароларнинг камида 10 000 та овозини, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига юборилган мурожаат камида 5 000 та овозни, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига юборилган мурожаат камидан 1 000 та овозни тўплаши зарур. ДИИХБ СКМ баъзи сұхбатдошларининг таъкидлашича, фақатгина аҳамиятсиз ёки сиёсий тусда бўлмаган мурожаатларгина бу чириқидан ўтади.

Конституция билан кафолатланган инсоннинг асосий хуқуқ ва эркинликлари, сўз эркинлиги ва йиғилишлар эркинлиги ҳамон турли қонуности ҳужжатлари билан чеклаб келинмоқда.<sup>14</sup> Сайловолди кампаниясининг тадбирлари аввалдан ҳокимиятни “маълум” қилган ҳолда ўтказилиши мумкин, лекин сайловолди кампанияга оид бўлмаган қолган барча оммавий тадбирларни ўтказиш учун аввал рухсат олиш талаб этилади.<sup>15</sup> Қонунчиликда кўзда тутилмаган тартибда норасмий ташкилотлар ва уюшмалар тузиш, тинч йиғилишлар ўтказиш учун жиноий ва маъмурий жазо кўзда тутилган.<sup>16</sup>

*Ҳақиқий плоралистик муҳитни таъминлаш мақсадида, сиёсий ва ижтимоий уюшии, йигилиши ва фикр билдириши эркинликлари борасидаги қонунчилик қайта кўриб чиқилиши лозим. Қонун чиқарувчилар бу борадаги барча чекловлар истисно тарзида, фақатгина зарур бўлганда, демократик тамойилларга амал қилган ҳолда қўлланилишини таъминлаши лозим. Уибу ислоҳотлар, ҳалқаро стандартларга мувофиқ, инклузив, ошкора ва жасоатчилик билан маслаҳатлашув асосида ҳамда кейинги сайловлардан анча аввал ўтказилиши лозим.*

## V. САЙЛОВ МАЪМУРЧИЛИГИ

Сайловлар Марказий Сайлов Комиссияси (МСК), 14 та округ сайлов комиссиялари (ОСК) ва 10 761 та участка сайлов комиссиялари (УСК) томонидан ташкиллатирилди.<sup>17</sup> Мустақил конституцион орган мавқеъига эга МСК доимий орган бўлиб, унинг аъзолари Олий Мажлисининг палаталари томонидан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсиясига кўра, камида ўн беш нафар аъзодан иборат таркибда

<sup>14</sup> 2020 йилги БМТ Инсон хуқуклари бўйича кенгашининг “Ўзбекистоннинг бешинчи даврий хисоботи бўйича якуний изохлари” га, хусусан, ушбу хуҷжатнинг 20, 44, 46, 48 ва 50-бандларидаги асосий эркинликларни хуқуқий чеклашни баҳоланганига қаранг. ФСҲХП нинг 25-моддасида келтирилишича, «... 25-мода билан ҳимояланган хуқуқларнинг тўлиқ амалга оширилиши Фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар тўғрисида ҳалқаро пактнинг 19, 21 ва 22 - моддалари билан кафолатланган хуқуқларнинг тўлиқ амалга оширилиши ва ҳурмат қилинишини талаб қиласди». Шу жумладан у якка тартибда ёки сиёсий партиялар ва бошқа ташкилотлар орқали сиёсий фаолият билан шуғулланиш эркинлиги, жамоат масалаларини мухокама қилиш, тинч намойишлар ва йиғилишлар ўтказиш, танқид қилиш ва қаршилик кўрсатиш, сиёсий материалларни нашр этиш эркинлиги, сиёсий ғояларни тарғиб ва ташвиқ қилиш эркинлигини ҳам кўзда тутади. Шунингдек, “Номзодлар ва партияларни рўйхатга олиш” ва “Медиа” бўлимига ҳам қаранг.

<sup>15</sup> БМТ ИҲҚ ФСҲХП 21-моддасига берган 37-умумий изохнинг 73-бандида “Миллий қонунчиликда рухсат бериш тизими давом этар экан, улар амалда олдиндан огоҳлантиришга рухсатни ўз-ўзидан бериш сифатида қўлланиши лозим, агарда бунинг аксига асосли сабаблар бўлмаса” деб таъкидланади. Оммавий тадбирларни ташкил этиш Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сонли «Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тартибга солинади. Амалдаги қарор Конституциянинг 33-моддасига зиддир, у ерда барча тақиқлар қонунда белгиланган тартибда эканлиги белгиланган. Бу соҳани тартибга соловчи қонун эса мавжуд эмас. 2019 йилда ДИИХБ бу соҳани тартибга солишга қаратилган қонун лойҳасини [танқид қилган эди](#).

<sup>16</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 205-сонли қарори оммавий тадбирларни ўтказишдан аввал ҳокимиятдан рухсат олишни талаб этади. Бу тартибни бузганлик учун маъмурий жазо, қайта бузганлик учун уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш кўзда тутилган (Жиноят Кодексининг 217-моддаси). ДИИХБ ва Венеция комиссиясининг 2020 йилдаги “[Тинч уюшиш эркинлиги бўйича Йўрикнома](#)”нинг 36-бандида “Намойиш ва бошқа оммавий тадбирлар ҳакида аввалдан билдириш ёки тадбир учун белгиланган маршрут, вақт ва макон доирасидан чиқиб кетиш каби қоидабузарликлар қамоқ муддати ёки оғир жарималар билан жазоланмаслиги керак” деб айтилган.

<sup>17</sup> Тошкент шаҳар, Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоят миқёсида биттадан ОСК ташкил этилган.

чекланмаган муддатга сайланади.<sup>18</sup> МСК сайлов комиссиялари тизимига бошчилик қиласди, сайлов қонунчилигининг ижроси устидан назоратни амалга оширади, унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди; чет давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг сайловдаги кузатувчиларига мандатлар беради; президентликка номзодларни ва депутатликка номзодларни, уларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олади; сайловнинг якунларини чиқаради; сайловчиларнинг ҳамда сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қиласди. МСК кенг тартибга солувчи бошқа, сайловолди кампанияни молиялаштиришни ва ёритишни назорат қилиш каби ваколатларга ҳам эга.<sup>19</sup>

МСК 21 аъзодан такриб топган, шулардан 7 нафари аёллардир. МСК раиси комиссия аъзолари орасидан Ўзбекистон президентининг тақдими билан сайланади. МСК COVID-19 пандемияси билан боғлиқ муаммоларга қарамай ўз вазифасини пухта, профессионал тарзда ва белгиланган муддатларда бажарди. Сайлов куни ҳам ўз муддатида ташкиллаштирилди ва ўтказилди.

МСК ўз йиғилишларини ошкора тарзда ўзтказди, ўз қарорларини вақтида эълон қилиб турди ва ОСКлар билан мунтазам видеоконференциялар ташкиллаштирди, бу ўз навбатида сайлов жараёнининг шаффоғлигига ўз хиссасини қўшди. Шу билан бирга, МСК бир қатор, ОСК ва УСКларнинг таркиби, сайловчиларнинг якуний рўйхати, жумладан сайлов куни ушбу рўйхатга қўшилган сайловчилар сони, ёши ва жинси хақида, округбай ва участкабай маълумотлар каби сайловни мустақил кузатувига кўмаклашувчи муҳим маълумотларни эълон қилмади.<sup>20</sup>

МСК 14 августгача округ сайлов комиссияларини (ОСК) ташкил этди. ОСК маҳаллий Кенгашлар тавсиясига кўра сайланган ўртacha 15-21 аъзодан иборат бўлиб, ўз навбатида, асосан, маҳалла қўмиталарининг таклифлари асосида УСК аъзоларини тайинлади. ОСКнинг 266 аъзосидан 39 фоизи (ёки 104 нафари) хотин-қизларни ташкил қиласди, бироқ уларнинг хеч бири ОСК раислигига тайинланмаган.<sup>21</sup> МСК маълумотига кўра, ОСК аъзоларининг 5 фоизи ногиронлиги бор шахслар бўлган. ДИИХБ СКМ кузатишича, ОСКлар умуман олганда яхши жихозланган бўлиб, ўз ишини пухта ва ошкор тарзда олиб борган.

*Сайлов маъмуриятида хотин-қизларнинг иштирокини яънада ошириши масалаларига эътибор қаратиш лозим.*

Участка сайлов комиссиялари (УСК) сайловни бевосита ташкил этади ва берилган овозларни санайди. УСК катталигига қараб 5-19 аъзодан иборат бўлиб, бу аъзоларга сиёсий партия аъзоси бўлиши ёки бирон бир номзоднинг қариндоши бўлиши мумкин эмас. ОСКлар 28 августга қадар маҳалла қўмиталари ва бошқа жамоат ташкилотларининг таклифлари асосида УСК аъзоларини

<sup>18</sup> Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шахар Кенгашларининг аъзолари маҳаллий сайловларда сайланган депутатлардир.

<sup>19</sup> МСК бу сайлов билан боғлиқ 17 га яқин қарор қабул қиласган; баъзи қарорлар ҳатто июль-август ойларида ҳам қабул қилинган.

<sup>20</sup> [БМТ Бош Ассамблеясининг 2011 йилдаги 66/163-карори](#) “шаффоғлиқ эркин ва адолатли сайловларнинг асоси бўлиб, бундай сайловлар ўз навбатида демократик жамиятда хукуматнинг фуқаролар олдидағи хисобдорлигини оширади”. Коррупцияга карши конвенциянинг 13.1(б)-моддасига кўра, давлат “жамоатчиликка ахборот олиш имконини” тақдим этиши шарт. Конвенциянинг 10-моддасига ҳам қаранг.

<sup>21</sup> Наманган ОСКда хотин-қизлар сони энг юқори бўлган (53 фоиз). Қорақалпоғистон Республикаси (47 фоиз), Андижон ва Фарғона ОСКлари 43 фоизли натижага билан ундан кейинги ўринларни эгаллаган.

тайинлаган.<sup>22</sup> 142 044 нафар УСК аъзоларининг тахминан 54 фоизини хотин-қизлар ташкил қилган, УСКнинг 45 фоизини аёллар бошқарган.

Қонунчиликда бир УСК аъзоларининг ярмидан кўпи айни ташкилотдан тавсия этилиши ман этилган. Амалда эса бу талаб УСК мустақиллигини сақлаб қолишга етарли мадад бўла олмади. ДИИХБ СКМ кузатувчилари қайд этишича, баъзи УСКлар факатгина бир маҳалланинг фаолларидан шакллантирилган. Кузатувчилар шунингдек УСК аъзоларини тавсия этиш жараёнида норасмий мезонлар қўлланилганлигини қайд этдилар.<sup>23</sup>

ДИИХБ СКМ кузатувчиларига кўра, маҳалла қўмиталари сайловга тайёргарлик ишларида, жумладан сайлов участка чегарасини белгилашда, сайловчилар рўйхатини тузишда ва текширишда, номзодларнинг сайловолди кампания тадбирларини ўтказишида ёрдам кўрсатган. СКХМ шунингдек маҳалла фаоллари овоз бериш жараёнини ташкиллаштиришда ёки сайлов участкасида тартиби сақлашда хам фаол иштирок этганини қайд этган (“Сайлов куни” бўлимига қаранг). Сайлов жараёнининг деярли барча босқичларида маҳаллаларнинг кенг иштирок этиши қўйи даражадаги сайлов комиссияларининг давлат идораларидан мустақил тарзда фаолият юритиши қобилиятига салбий таъсир кўрсатди.<sup>24</sup>

Май ойидан август ойигача МСК 144 000дан ортиқ комиссия аъзолари учун ҳам оффайн, ҳам онлайн туркум тренинглар ўтказди. ДИИХБ СКМ сұхбатдошларининг фикрига кўра, бу ўтказилган тренингларнинг формати, давомийлиги ва ўтказилиш жадвали бир хил бўлмади; бундан ташқари, улар сайлов кунидан анча олдин ўтказилганлиги тренингларнинг таъсирини камайтирган.

УСКларнинг, жумладан маҳалла қўмиталаридан мустақиллигини ошириши мақсадида комиссия аъзоларини тайинлаш тартиби ва мезонлари аниқлаштирилиши лозим. Сайловни ташкил этиши амалиётини тизимлаштириши мақсадида УСК аъзолари ягона стандартлар асосида ўқитилиши лозим.

<sup>22</sup> Маҳаллалар ўзбек анъанавий ижтимоий тузилмаси хисобланиб, у фуқаролар кундалик ҳаётининг кўп жабҳаларида иштирок этади. 1999 йилда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунга (2021 йилда ўзгартириш киритилган) мувофиқ, улар, бошқа вазифалар билан бир қаторда, моддий ёрдам ва никоҳ масалалари бўйича маслаҳатлар беради, соликларни ўз вақтида ундирилишига қўмаклашади, хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда ёрдам беради; ва хўжалик юритувчи субъектларга кредитлар бўйича кафилик беришлари мумкин бўлади. Расмий равишда мустақил орган эканлигига қарамай, 2020 йилда президент ташаббуси билан маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ислоҳ қилиниши натижасида маҳаллалар амалда янги ташкил этилган, маҳаллаларнинг худудий бўлимларидан иборат марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти тузилмаларига бирлаштирилиб, улар Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш вазирлиги таркибига киритилди.

<sup>23</sup> Ушбу норасмий мезонлар орасида, жумладан, аъзоликка номзоднинг ахлоқи ҳам ўрин олган.

<sup>24</sup> ФСХХПга берилган 25-умумий изоҳнинг 20-бандида “сайлов жараёнини назорат қилиш ва бу жараён адолатли, холис ва Пактга мувофиқ тарзда бўлган маҳаллий қонунларга риоя қилган ҳолда ўтказилишини таъминлаш учун мустақил сайлов органи тузилиши талаб этилади”. МДҲнинг 2002 йилги конвенциясига аъзо давлатлар “демократик, эркин ва адолатли, ҳақиқий ва мунтазам сайловлар ўтказилишини ташкил этиш учун мустақил, холис сайлов органларининг ташкил этилишини таъминлаш” мажбуриятини олдилар. Венеция комиссиясининг 2002 йилги [Сайлов масалаларида илғор амалиёт кодексининг](#) II.3.1.b-бандида шундай дейилган: “Бошқарув ҳокимияти сиёсий кучга эга бўлганлардан мустақил равишда фаолият юритиш амалиёти анъанага айланмаган ҳолатларда барча даражаларда – миллий даражадан сайлов участкаси даражасига қадар мустақил, холис сайлов комиссиялари тузилиши зарур”.

МСК бутун мамлакат бўйлаб ва сайлов кунидан анча олдин сайловчиларнинг сайлов бўйича хабардорлигини ошириш бўйича кенг қамровли ва қўламли кампанияни турли усулларда олиб борди. МСК колл-марказ, месенжер ва ижтимоий тармоқлардаги каналлар орқали сайловчиларга савол бериш ва реал режимда жавоб олиш имкониятини тақдим этган. Шунингдек, МСК ОАВ билан ҳамкорликда барча сайлов участкаларининг геолокация маълумотлари кўрсатилган интерактив веб-портал ва мобил иловани ишга тушириди, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган маҳсус бот ёрдамида эса, сайловчилар ўзлари бириктирилган сайлов участкасининг манзилини билиб олишлари мумкин бўлди.

## VI. САЙЛОВЧИЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

18 ёшга тўлган фуқаролар сайловда овоз бериш ҳуқуқига эгалар, суд томонидан “муомалага лаёқатсиз”, хусусан ақлий ёки психосоциал ногиронлиги деб лаёқатсиз топилган фуқаролар бундан мустасно.<sup>25</sup> Ногиронлиги сабабли сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш ЕХХТ қоидалари ва бошқа халқаро стандартларга тўғри келмайди.<sup>26</sup>

*Ҳуқуқий лаёқати сабабли сайлов ҳуқуқини чеклашини қайта кўриб чиқиши ва халқаро мажбуриятларга мослаштириши лозим.*

Ўзбекистонда фуқаронинг доимий ёки вақтинча яшаш манзилига асосланган сайловчиларни рўйхатга олишнинг пассив тизими қўлланилади. Сайловда қатнашиш лаёқатига эга фуқаролар мамлакат ФХДЁ органларининг доимий янгиланиб турувчи маълумотлари асосида сайловчилар рўйхатига автоматик равища кўшилади. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати (СЯЭР) бир нечта давлат идоралари ва вазирликларнинг турли маълумотлар базаларини умумлаштирган ҳолда ташкил қилинган.<sup>27</sup> Мазкур сайловлар арафасида реал вақт режимида маълумотларни янгилаш имконини берувчи маълумотларни синхронлаштириш функцияси бу электрон рўйхатни янада такомиллашишига олиб келди. 2021 йилнинг март-май ойлари оралиғида СЯЭР асосан маҳалла кўмиталари томонидан уйма-уй юриб ўtkazilgan сўров маълумотлари асосида янгиланди.

СЯЭРдаги маълумотлар кейин ҳар бир УСКга сайловчилар рўйхати сифатида тақсимлаб берилди, УСКлар эса 17 сентябрь – 9 октябрь оралиғида ушбу рўйхатни уйма-уй юриб қайта текшириб

<sup>25</sup> Мутассадиларнинг ДИИХБ СКМга хабар беришича, хибса сақланаётган 12 522 нафар кишидан 8 072 нафари овоз бериш ҳуқуқига эга эди.

<sup>26</sup> Ўзбекистон БМТнинг “Ногиронлар ҳуқуклари тўғрисида”ги Конвенциясини 2021 йил июлида ратификация килган. Конвенциянинг 12- ва 29-моддаларида давлатлар “ногиронлиги бор фуқаролар ҳаётнинг барча жабхаларида бошқа фуқаролар билан тенг ҳуқуқий лаёқатга эга эканлигини тан олади” ва “...уларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи ва имкониятини таъминлайди” деб айтилган. [Конвенциянинг 12-моддасига берилган 1-Умумий Изоҳнинг 48-бандига](#) кўра, “хеч қандай холисона чеклов кўзда тутилмаган ёки ногиронлиги бор шахсларга имтиёзлар берилмаган. Шунинг учун, гуёки ёки ҳақиқий психосоциал ёки интеллектуал ногиронлик асосида сайлаш ҳуқуқини чеклаш ногиронлик асосида дискриминация хисобланади”. 1990 йилдаги ЕХХТ Копенгаген Хужжатининг 7.3 параграфида аъзо-давлатлар “барча вояга етган сайловчиларга сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини кафолайди” деб белгиланган.

<sup>27</sup> 2019 йилдаги парламент сайловлари арафасида ишга туширилган СЯЭРни МСК назорат қилади. СЯЭРга техник хизматни Ахборот технологиялари вазирлиги кўрсатади.

олган.<sup>28</sup> ДИИХБ СКМ кузатишича, бу жараёнда ҳам маҳалла фаоллари иштирок этган, бу эса УСК мутасаддиларининг маҳаллага боғланиб қолганига яна бир далилдир. ОСКлар, МСК қарорида белгиланганидек, бу тасдиқлаш жараёнида иштирок этмаган.<sup>29</sup> Якуний рўйхатдаги сайловчилар сони 20 158 907 нафарни ташкил этган.

*Сайлов жараёни фақатгина ваколатли идоралар томонидан ташкил этилиши лозим, сайлов комиссияси аъзолари ва боиқа мансабдор шахсларнинг функционал вазифалари ўртасидаги чегаралар аниқ тортилган бўлиши керак.*

Шунингдек, сайловчилар 19 октябрга қадар ўз маълумотларини шахсан ва интернет орқали текшириш ва янгилаш, шунингдек, маълум бир сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг тўлиқ рўйхатинини кўриш имкониятига эга бўлдилар. Сайловчиларга ўз сайлов участкасини ўзгартириш имконияти ҳам яратилди, уларга тегишли маълумотлар автомат тарзда ўша сайлов участкасига юборилган.<sup>30</sup> Махсус сайлов участкалари ташкил этилган муассасаларда сайловчилар рўйхати муассаса раҳбарияти томонидан шакллантирилган.<sup>31</sup>

Сайловга беш кун қолганда сайловчилар рўйхатини ўзгартиришга йўл қўйилмайди, лекин ДИИХБнинг аввалги тавсиялари ва илгор халқаро амалиётига зид тарзда, сайловчилар рўйхатига киритилмаган, лекин СЯЭРга киритилган, овоз бериш хуқуқига эга бўлган сайловчилар сайлов куни тегишли сайлов участкалари томонидан ҳеч бир суд қарори ёки маъмурий тартибсиз сайловчилар рўйхатига қўшилиши мумкин бўлди.<sup>32</sup> Сайлов куни СКХМ ташриф буюрган аксар сайлов участкаларида УСК рўйхатида бўлмаган сайловчиларни рўйхатга қўшиб қўйиш ҳоллари учради. Баъзида бу рўйхатга сайловчилар хатто бир неча бор овоз бериш амалиётини олдини олишга қаратилган СЯЭРдан суриштирмасдан ҳам қўшиб қўйилган. Гарчи ДИИХБ СКМ сухбатдошлари сайловчилар рўйхатининг тўғрилиги ва яхлитлиги ҳақида хавотирланмаётганини билдирган бўлсада, ушбу амалиётнинг кенг тарқалганлиги сайловчилар рўйхати ҳамда овоз бериш жараёни суистеъмол қилиниши мумкинлигидан даракдир.

*Сайловчилар рўйхати ҳамда овоз бериши жараёнининг эҳтимолий суистеъмолига қарши чора сифатида сайлов куни сайловчилар рўйхатига қўшимча қилиши фақатгина аниқ белгиланган қоидалар асосида суд ёки маъмурий тартибда бўлиши лозим.*

<sup>28</sup> ДИИХБ СКМ кузатувчилари сайловчилар рўйхатлари уйма-уй юриб текширилган пайтда сайловчилардан сайлов куни овоз бериш нияти бор-йўқлиги қайта-қайта сўралганлигини таъкидладилар. Андижондаги УСКларидан бирида ДИИХБ кузатувчиларига ҳали овоз бермаган сайловчиларга сайлов куни ҳар соатда ундов берилиб турилганлиги маълум қилинган.

<sup>29</sup> Аксар ОСКлар сайловчилар рўйхатининг уйма-уй юриб текшириш натижасида олинган статистик маълумотларни ДИИХБ СКМга тақдим қила олмади.

<sup>30</sup> Ўз сайлов участкасини ўзгартириш борасида 4300 га яқин инсон мурожаат қилган деб хабар қилган МСК.

<sup>31</sup> Махсус УСКлар сайлов кунига бир ҳафта колган муддатгача очилиши мумкин. Бу сайловларда, жумладан, касалхоналар, қариялар уйлари, бошқа тибиёт муассасалари (165), ҳарбий қисмлар ва мактаблар (143), тергов изоляторлари (12) ва қамоқхоналарда (8) 328 та махсус участка сайлов комиссиялари ташкил этилди. Хориждаги сайловчилар учун яна 54 та сайлов участкаси очилди.

<sup>32</sup> Венеция комиссиясининг 2002 йилги Сайлов масалаларида илгор амалиёт кодексининг 1.1.1.2.iv-бандига мувофиқ, “рўйхатга олинмаган сайловчини рўйхатга олиш тартиби белгиланган маъмурий тарзда бўлиши ҳамда бу тартиб устидан хукукий назорат ўрнатилган бўлиши лозим; сайлов участкаларида сайлов куни сайловчиларни рўйхатга олишга йўл қўйилмаслиги керак”.

## VII. НОМЗОД ВА ПАРТИЯЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

Ёши 35 дан кам бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган ва сайлов кунига қадар мамлакатда камидা сўнгги ўн йил давомида яшаган фуқаролар президентликка номзод бўлишлари мумкин. Номзоднинг сайловгача Ўзбекистон худудида муқим ящаши ва давлат тилини билиши борасидаги талаблар халқаро стандарт ва мажбуриятларга зиддир.<sup>33</sup> Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, оғир ва ўта оғир жиноят содир қилганлиги учун ҳали жазо муддатини ўтаб бўлмаганлар ва диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари номзодлик ҳуқуқига эга эмаслар. 1990 йилдаги ЕХХТ Коппенгаген Ҳужжатининг 7.5-бандига зид равища, мустақил номзодларнинг ҳам сайловда қатнашишига йўл қўйилмайди.<sup>34</sup>

*Тил билиши, муқим истиқомат, ногиронлик ва партиявийлик билан боғлиқ чекловлар халқаро стандарт ва мажбуриятлар билан мувофиқлаштирилиши лозим.*

Уюшиш ҳуқуқига қўйилган чекловлар жумладан сиёсий партия ва нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатга олиш талабларининг мураккаблиги ва мавхумлиги мутасаддилар ушбу талабларни ўзбошимча талқин қилишиша йўл очмокда.<sup>35</sup> ДИИХБ СКМнинг баъзи сухбатдошларига кўра, давлат хавфсизлик хизматлари мамлакатдаги ННТлар фаолиятини, жумладан уларнинг чет эллик аудиторияга мўлжалланган хисботлари ва баёнотларининг мазмунини назорат қиласди.<sup>36</sup>

<sup>33</sup> ФСҲП 25-моддасига БМТ Инсон Ҳуқуклари Қўмитаси берган 25-Умумий Шарҳнинг 15-бандида “сайланиш ҳуқуки борасидаги чекловлар... объектив ва ҳолис мезонларга асосланган бўлиши керак. Сайланиш ҳуқуқига эга инсонлар [...] истиқомат, таълим даражаси, келиб чиқиши ёки сиёсий мансублиги талаблари каби ноҳолис ва дискриминацион талаблар деб сайловдан четлаштирилиши жоиз эмас” деб белгиланган. 25-бандида эса “Фуқароларни жинси, тили, дини ёки эътиқоди, миллати, сиёсий ёки бошқа қарашлари бўйича ажратишига йўл қўйилмайди” деб айтилган. Шунингдек, 1990 йилдаги ЕХХТ Коппенгаген Ҳужжатининг 24-бандида ҳам инсон ҳуқуклари ва асосий эркинликларини тақиқлашни тақиқлайди, “бундан аввалдан қонунчиликда белгиланган ва ҳуқуқ мақсадларига тўлиқ мутаносиб тақиқлар истиснодир”. Шунингдек, Венеция комиссиясининг Сайлов масалаларида илғор амалиёт кодексининг 1.1.1.d.iii-бандига қаранг.

<sup>34</sup> Партиявийлиги бўлмаган номзодлар президентликка номзод бўлиши мумкин, лекин уларнинг номзодини фақатгина сайловолди кампания учун давлат бюджетидан маблағ олган ва ушбу маблағ учун хисбдор бўлган расмий сиёсий партиялар кўрсатиши шарт (“Кампанияни молиялаштириши” қисмига қаранг). 1990 йилдаги ЕХХТ Коппенгаген Ҳужжатининг 7.5-бандига кўра, ЕХХТга иштирокчи давлатлар “фуқароларнинг мустақил равища ёхуд сиёсий партиялар ёки ташкилотлар вакиллари сифатида, ҳеч бир камситишсиз, сиёсий ёки давлат лавозимларига давогарлик қилиш ҳуқуқини хурмат қилиш” мажбуриятини олганлар.

<sup>35</sup> ДИИХБ ва Венеция комиссиясининг 2015 йилдаги “[Уюшиш эркинлиги бўйича Йўриқнома](#)” сининг 156-бандига кўра “қонунчиликда рўйхатга олиш тизими иложи борича содда, камидা янги фирмани очишдек содда бўлиши керак”. Йўриқноманинг 237-бандига кўра эса, “барча тақиқлар мутаносиблик тамойилига мос равища, яъни кўзланган мақсадга иложи борича ортиқча тақиқловчи чораларсиз эришишга қаратилган бўлиши керак. Чорани қўллаш жараёнида мутасаддилар уюшиш эркинлигига энг кам путур етказувчи чорани қўллашга интилиши лозим”.

<sup>36</sup> 2020 йилги БМТ Инсон ҳуқуклари бўйича кенгашининг “[Ўзбекистоннинг бешинчи даврий хисоботи бўйича якуний изохлари](#)”да (48-бандида) айтилишича, “Қўмита амалдаги қонунчилик уюшиш эркинлигини ҳамон чеклаётганидан ҳавотирда. Жумладан, (а) ННТ ва сиёсий партияларни рўйхатга олиш талаблари асоссиз ва мураккабдир; (б) рўйхатга олмаслик учун сабаблар рўйхати узун; (в) ходими ҳорижга чиқиши ёки фаолияти учун хориждан маблағ олиш учун ННТлар Адлия вазирлигидан аввалдан рухсат олиши керак; (г) ННТдан “сиёсий фаолият” билан шуғулланмаслик талаб этилади”. ДИИХБ ва Венеция комиссиясининг “[Уюшиш эркинлиги бўйича Йўриқнома](#)” сининг 171-бандига кўра, “уюшмаларда ички эркинлик бўлиши, уларнинг фаолияти давлат аралашувидан ҳоли бўлиши керак. Бу энг асосий талаб факатгина уюшма нотижорат бўлиши, дискриминация қиласлик тамойилини хурмат қилиши ва халқаро инсон ҳуқуқларининг стандартларига кўра ноқонуний деб топилган фаолият билан шуғулланмаслиги талабларига тобе бўлиши мумкин”.

Ўзномзодларини таклиф қилиш учун сиёсий партия сайлов бошланишидан камидан тўрт ой олдин Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтган бўлиши керак.<sup>37</sup> Адлия вазирлигининг рўйхатидан ўтиш учун талаблар эса мавҳумлигича ва ўзбошимча талқинга очик қолмоқда.<sup>38</sup> Партияни рўйхатдан ўтказиш учун 50 кишидан иборат ташкилий қўмита тузилиши ҳамда мазкур партияга бирлашиш истагини билдирган 20 000 нафар фуқаронинг имзоси талаб этилади. Бу имзолар 3 ой ичидаги 14 та вилоятдан камидаги 8 тасида йиғилиши лозим.<sup>39</sup> Ташкилий қўмита кейин ушбу имзолар рўйхатини ва таъсис йиғилиш тасдиқлаган устав ҳужжатлари билан бирга Адлия вазирлигига ариза бериши керак. Адлия вазирлиги ариза тушган кундан бошлаб бир ой муддат ичидаги уни қўриб чиқади ва турли сабабларга кўра сиёсий партияни рўйхатга олишни рад этиши мумкин. Партия фаоллари бир ой ичидаги ҳужжатларни конституцияга ва қонун ҳужжатларига бутунлай мувофиқ ҳолга келтирган тақдирдагина партияни рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза билан Адлия вазирлигига тақорор мурожаат этишга ҳақлидирлар. Сиёсий партияни рўйхатга олишни рад этиш устидан Ўзбекистон Олий судига белгиланган тартибда шикоят қилиш мумкин. Бу талабларнинг барчаси уюшиш ҳуқуки борасидаги халқаро стандартларга мувофиқ эмас.<sup>40</sup>

2021 йили Адлия вазирлиги “Ҳақиқат ва Таракқиёт” социал-демократик партиясини етарлича имзо тўплай олмаганлиги учун рўйхатдан ўтказмади.<sup>41</sup> Партия ўз раҳбарияти ва аъзоларига тазийклар бўлгани ҳакида ДИИХБ СКМГа хабар берган. Адлия вазирлигининг ДИИХБ СКМГа хабар беришича, “Ҳалқ манфаатлари” партияси мазкур партияга бирлашиш истагини билдирган фуқаролар имзосини йиғиш учун маъсул ташкилий қўмитани шакллантира олмаганлиги учун давлат рўйхатидан ўтказилиши 2021 йилда рад этилган.

<sup>37</sup> Президент сайловида қатнашмоқчи бўлган партия 14 майгача Адлия вазирлигининг рўйхатидан ўтиши керак эди.

<sup>38</sup> Сиёсий партиялар тўғрисидаги қонунда сиёсий партияниң устави, максадлари, вазифалари ва фаолият услуби Конституцияга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига зид бўлса бу партия рўйхатга олинмайди деб айтилган. Айнан қайси қонун ҳужжатлари назарда тутилганлиги аниқ этилмаган, бу ўз навбатида рўйхатга олишда ўзбошимча талқинга йўл очади. 2020 йилги БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг “Ўзбекистоннинг бешинчи даврий хисоботи бўйича якуний изоҳлари”да (48-бандида) ННТ ва сиёсий партияларни рўйхатга олиш талаблари асоссиз ва мураккаблиги, рўйхатга олмаслик учун сабаблар рўйхати узунлиги сабабли уюшиш эркинлиги борасида ҳавотир билдирилган.. ДИИХБ ва Венеция Комиссиясининг “[Сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солиш Йўриқномаси](#)”нинг 87-бандида партияни рўйхатдан ўтказмаслик учун сабаблар қонунчиликда аниқ айтилиши ва объектив мезонларга асосланган бўлиши кераклиги” тавсия этилган. Адвалия вазирлигининг ДИИХБ СКМГа маълум қилишича 2019 йилдан бери бир неча ННТлар техник сабаблар деб рўйхатдан ўтказилмаган. 2021 йилнинг марта ойида президент жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган 2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига имзо чеккан.

<sup>39</sup> ДИИХБ ва Венеция Комиссиясининг Сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солиш Йўриқномаси“нинг 102-бандига кўра, чекланган географик минтақани акс этганлиги учун партияни рўйхатдан ўтказмаслик талаби умумман олганда қонунчиликда бўлиши керак эмас. Турли минтақаларда кўлловга эга бўлиш талаби асосан бирор географик минтақадагина кўллаб-куватловга эга партияларга нисбатан дискриминацияни ташкил этиши мумкин. Бундай талаблар кичик партиялар ёки миллий озчиликлар партияларига нисбатан ҳам дискриминацион тусда бўлиши мумкин.

<sup>40</sup> 1990 йилдаги ЕХХТ Коппенгаген Ҳужжатининг 7.6-параграфида давлатлар “шахслар ёки сиёсий гурухлар ўз сиёсий партияси ёки бошқа сиёсий ташкилотини эрkin тузиш ҳуқуқини хурмат қилиш ҳамда бу ҳуқуқни амалга ошириш учун барча ҳуқуқий кафолатларни таъминлаш мажбурияти [...]” кўрсатилган. Шунингдек, 1966 йилдаги Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактга 1996 йилдаги БМТ Инсон Ҳуқуқлари Қўмитасининг 25-Умумий Шархининг 26-параграфида “инсон алоҳида ёки сиёсий партиялар ва бошқа ташкилотлар сафида сиёсий фаоллик билан шуғулланиш” ҳуқуки эътироф этилган.

<sup>41</sup> Адлия вазирлигига кўра, ўрганиш жараённида топширилган 9 879 имзодан 2 292 тасини фуқаролар қайтариб олганлиги, 42 имзо эса вафот этган фуқароларга оид эканлиги аниқланган.

Сиёсий партияларни рўйхатга олиши борасидаги талаб ва тартиблар уюшини эркинлиги ва плюрализмга ҳурмат ва тарзиб руҳига мувофиқ қайта кўриб чиқилиши лозим. Сиёсий партияларни рўйхатга олиши жараённи тўлалигича шаффоф ва объектив мезонлар асосида бўлиши, бу жараён устидан арз ва шикоятлар эса суд тартибида кўриб чиқилиши лозим.

Рўйхатдан ўтган сиёсий партиялар сайловда иштирок этиши ва ўз номзоди ҳақида маълумотни МСКга 16 август кунига қадар топшириши лозим эди. Номзод кўрсатиш учун партиялар электоратнинг камида бир фоизидан имзоларни тўплаши лозим.<sup>42</sup> Илгор халқаро амалиётга мувофиқ тарзда, сайловчилар битта ёки бир нечта президентликка номзодларни қўллаб-куватлаб имзо қўйишга ҳақли бўлди. Барча иштирок этаётган сиёсий партиялар талаб этилган имзолар сонини МСКга топширган. МСК ДИИХБ СКМга хабар беришича, партиялар тақдим этган имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлиги эксперталарнинг учта гурухи томонидан беш кунлик муддатда текширилди. Эксперт гурухи таркибига ички ишлар органларининг, адлия органларининг мутахассислари, шунингдек фуқаролик жамияти институтлари вакиллари жалб этилган.<sup>43</sup> Имзо варақаларини текширишда сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари иштирок этган. ДИИХБ СКМ сұхбатлашган беш номзоддан ҳеч бири номзод кўрсатиш ёки имзо тўплаш жараёнига эътиroz билдирамди.

15 сентябрь кунига қадар МСК президентликка номзод сифатида кўрсатилган тўрт нафар эркак ва бир нафар аёлни, жами бешта номзодни рўйхатга олди: Баҳром Абдухалимов (“Адолат” социал-демократик партияси (АСДП)), Алишер Қодиров (“Миллий тикланиш” демократик партияси (МТДП)), Шавкат Мирзиёев (Ўзбекистон Либерал демократик партияси (ЎзЛиДеП)), Нарзулло Обломуродов. (Ўзбекистон Экологик партияси (ЭП)) ва Мақсада Ворисова (Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ХДП)).<sup>44</sup>

## VIII. САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ

Сайловолди кампанияси расман 20 сентябрда бошланган ва 22 октябрь куни ярим тунда тугади. Сайлов куни ва ундан бир кун олдин эълон қилинган “Сукунат куни” қоидасига барча номзодлар риоя қилдилар. COVID-19 пандемияси ва у билан боғлиқ чора-тадбирлар сайлов кампаниясига тўсқинлик қилмади.

<sup>42</sup> Партияларнинг хар бири ўз номзодини қўллаб-куватловчи 212 000 га яқин имзо йиғиши керак эди. Конунчиликда имзолар барча минтақалардан йиғилиши талаби аниқ кўрсатилмаган, лекин сиёсий партия битта маъмурӣ-худудий тузилмада имзолар умумий сонининг кўпли билан саккиз фоизини тўплаши мумкин. Сайловчиларнинг имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқищ, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун билан тақиқланмаган бошқа жойларда амалга оширилади.

<sup>43</sup> Сайловчилар имзолари зарур сонининг камида ўн беш фоизи текширилиши лозим. Агар МСК томонидан танлаб олинган имзо варақаларининг чорак қисмидан кўпрогини текшириш натижасида имзо варақалари қонун бузилган ҳолда тузилганлиги аниқланса, мазкур имзо варақалари сиёсий партиянинг ваколатли вакилига қайтарилади ва унга камчиликларни бартараф этиш учун икки кунлик муддат берилади. Текшириш учун имзолар бир хил микдорда, ҳар бир маъмурӣ-худудий тузилмадан тенг нисбатда танлаб олинади. Венеция комиссиясининг 2002 йилги Сайлов масалаларида илгор амалиёт кодексининг I.I.3.(iv)-бандидаги тавсияга кўра, “имзоларни текшириш умуман олганда барча имзоларни қамраб олиши керак; лекин талаб этилган имзоларни тўпланганлигига шубҳа қолмаганда, қолган имзоларни текшириш шарт эмас”.

<sup>44</sup> Бошқа номзодлар, Жаҳонгир Отажонов (“Эрк” демократик партияси) ва Алексей Гаршин (“Озод Ватан”), тазииклар туфайли президент сайловларида иштирок этмасликка қарор қилишганини ДИИХБ СКМга маълум килган.

Сайлов қонунчилигига киритилган сўнгти ўзгартиришларига кўра, эндиликда ОСК номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкиллаштиришда ёрдам бериши шарт бўлмай қолди. ДИИХБнинг аввалги тавсиясига мувофиқ, оммавий тадбирларини ўтказиш учун хокимиятдан аввал рухсат олиш талаби тадбирдан уч кун олдин хокимликни хабардор қилиш тизимига алмаштирилди.

Худудларда сайловолди кампанияси ўтаётгани унча кўзга ташланмади, унга чин рақобат муҳити етишмади ва бу киши билмас ҳолат то кампания тугагунча давом этди. Номзодлар ёки уларнинг ташвиқотчилари ўртасида бевосита бирор аҳамиятга молик баҳс-мунозара рўй бермади, номзодлар ўртасида дебатлар қонунан мумкин бўлсада, бу имкониятдан ҳеч ким фойдаланмади. Гарчи номзодлар дастурларининг ўзига хослигини намойиш қилишга харакат қилган бўлсалар-да, амалдаги президент қолган тўртта номзоднинг жиддий танқидига дуч келмади. Номзодлар на амалдаги президент сиёсатига қарши пухта далиллар келтирди, на президент сиёсати борасида бирор бошқа танқидий фикр билдириди.

Сайловолди кампанияси маҳалла ва туман миқёсида номзодларнинг ишончли вакиллари, вилоят ва туман партияси бўлинмаларининг фаоллари ва ёшлар харакатларининг фаоллари ёрдамида ўтказилди. Ҳар бир номзоднинг 15 нафарга яқин ишончли вакили сайловолди ташвиқотига кўмаклашшаг ва худудларда номидан сайловолди ташвиқотни олиб борган.

ДИИХБ СКМ учрашган барча номзодлар ва партия вакиллари сайловолди ташвиқоти учун, жумладан, ташвиқот материалларини тайёрлаш ва тарқатиш, сайловчилар билан учрашувлар ташкил этиш ҳамда оммавий ахборот воситаларидағи бепул эфир вақти ва босма нашрлардан фойдаланиш учун тенг шарт-шароитлар яратилганлигини алоҳида таъкидладилар. Партиялар тури анъанавий ташвиқот материалларини тарқатган.<sup>45</sup> Гарчи сайловолди ташвиқот воситаларининг тури, шакли ва услуби борасида мажбурий қоидалар бўлмаса-да, партияларнинг ташвиқот воситалари ҳайратланарли даражада ўхшаш бўлди. Бунга балким номзодларга тенг шароит яратиш ҳақидаги қоидани МСК ва партиялар ўта тор талқин қилганлиги сабаб бўлгандир.

Барча номзодларнинг ташвиқот тадбирлари ҳам бир хилда ўтди. Аксар тадбирлар тўрт девор орасида, одатда аввалдан саралаб олинган тарафдорлар доирасида ўтди.<sup>46</sup> Партиялар ўзининг мақсадли электоратидан бошқа аҳоли қатламларига мурожаат қилишга уриниб ҳам кўрмади. ДИИХБ СКМнинг узоқ муддатли кузатувчилари фикрича, сайловчилар билан учрашувлар асосан узоқдан-узоқ нутқлар, видео-тақдимотлар билан, бир қолипда ташкиллаштирилган шаклда ўтди.

Барча номзодлар ўз сайловолди кампаниясини интернетда ҳам олиб борган.<sup>47</sup> Номзодлар ва сиёсий партияларнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари, асосан, ўз номзодларининг сайловолди дастурларини тарғиб қилди, уларнинг сайловчилар билан учрашувлари суратларини эълон қилиб

<sup>45</sup> ДИИХБ СКМ кўрган сайловолди ташвиқот воситаларнинг баъзиларида гина, жумладан Экологик партиянинг дастурида, МТДП журналида ҳамда ЎзЛиДеп Шавкат Мирзиёевнинг таржимаи ҳоли ҳақидаги плакатларда ношир ва адади ҳақида маълумот берилган эди.

<sup>46</sup> ДИИХБ СКМ мамлакат бўйлаб 86 тарғибот-ташвиқот тадбирларида қатнашган; COVID-19 билан боғлиқ чораларга шулардан 23 фоизида амал қилинган.

<sup>47</sup> Сайловолди кампанияси бошланганидан бери ДИИХБ СКМ Telegram месенжери, YouTube, Facebook ва Instagram ижтимоий тармоқларида номзодлар ва уларнинг сиёсий партияларининг онлайн фаолиятини кузатиб борди. Барча партия каналлари ичida ЛДП хабарлари энг кўп “Like” ва кўришлар сонига эга бўлди. ХДП номзоди Ворисованинг Instagram, Facebook, YouTube ва Telegram каналларида ўз саҳифасини юритмади, Мирзиёев ва Абдуҳалимов буларнинг барчасида ўз каналига эга эди. Мирзиёев энг кўп обуначилар сонига (Instagram’да 3,6 миллион) эга бўлди, Қодиров эса иккинчи ўринда (Telegram каналида 25 000) эди. Обломуродов (Instagram, Telegram) ва Қодиров (Instagram, Facebook, Telegram) муайян ижтимоий тармоқлардагина фаол бўлган.

боришиди.<sup>48</sup> Аксарият бундай хабарларга интернет фойдаланувчилари уччалик қизиқиш кўрсатмади, бу хабарларни ўқиганлар ўртасида муҳокамалар ҳам кузатилмади. Фойдаланувчиларнинг умумий муносабати илиқ ва бетараф бўлди.

Сайловолди дастурлар асосан ижтимоий-иктисодий ҳолатни яхшилаш ва қашшоқликни камайтириш, давлат хизматлари, соғлиқни сақлаш, таълим, аддия, экологик тизим, озиқ-овқат хавфсизлиги, ёшлар орасидаги ишсизлик ва янги иш ўринлари яратиш, шунингдек, узлуксиз электр энергияси ва сув билан таъминлаш масалаларига қаратилган. Сайловолди кампанияларида бирор мавзуга жиддий устуворлик берилмади, кампания даврида жамият кун таритибига қалқиб чиқкан масалаларга номзодлар ўз чиқишиларида тўхталмаган.<sup>49</sup>

2019 йил Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлган сайловлар натижасида аёл депутатлар салмоғи 16% дан 32% гача, икки баробар, ортган. Гарчи Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамият ҳаётида ва сиёсатда кенгроқ иштирокини тарғиб этишга қаратилган “2030 йилга қадар гендер тенгликка эришиш миллий стратегияси” қабул қилинган бўлса-да, хотин-қизлар ҳали ҳам ижтимоий ҳаётда етарлича акс этилмаган.<sup>50</sup> Амалдаги ҳукуматда 30 нафар вазирдан 1 нафари, 170 нафар туман ҳокимларидан 6 нафари аёл кишидир. Барча вилоят ҳокимлари эркак кишилардир. Бу ўз навбатида хотин-қизларнинг жамоат ҳаётида ва сиёсатда кенгроқ иштирокини таъминлашга қаратилган харакатларнинг янада жадаллаштириш лозимлигини намоён қилмоқда.<sup>51</sup> Кузатув олиб борилган ташвиқот-тарғибот тадбирларида хотин-қизлар ва эркаклар деярли тенг сонда иштирок этган, лекин маърузачиларнинг аксарияти эркаклар эди.<sup>52</sup> Сайловолди ташвиқотида гендер муаммолари мухим ўрин тутмади.<sup>53</sup>

<sup>48</sup> Ижтимоий тармоқларда тарқатилган номзод ва партияларнинг сайловолди клипларининг деярли барчаси аввалрок ТВда узатилган видеолавҳалар эди.

<sup>49</sup> Масалан, гарчи ҳукуматнинг Афғонистон билан боғлиқ сиёсати, жумладан транчегаравий таҳдидлар, деярли ҳар куни хабарларда ёритилган бўлса-да, номзодларнинг дастури ёки сайловолди кампаниясида бу масалага деярли ургу берилмаган.

<sup>50</sup> 2020 йилги БМТ Инсон ҳуқуклари бўйича кенгаши “Ўзбекистоннинг бешинчи даврий ҳисоботи бўйича якуний изоҳлари”да (12- ва 13-бандларида), Ўзбекистонда “аёллар ва эркаклар ўртасида, жумладан, бандлик, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда ҳамон давом этаётган нотенгликдан” хавотирда эканлигини таъкидлаган. Хусусан, Кенгаш хотин-қизлар суд, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органларида, айниқса, қарор қабул қилувчи раҳбарлик мансабларда етарли даражада иштирок этмаётганликларидан хавотирда” эканлигини билдирган.

<sup>51</sup> EXXTning 1999 йилда Истанбулда қабул қилинган хужжатининг 23-бандига мувофиқ EXXTга иштирокчи давлатлар ўз зиммаларига “аёллар ва эркаклар ўртасида тенгликни ўрнатишни ўз сиёсатининг ажралмас қисмига айлантириш” мажбуриятини олганлар. Шунингдек, EXXT Вазирлар кенгаши 7/09-қарорининг 3-бандига қаранг, унга кўра иштирокчи давлатлар “барча сиёсий акторларни сиёсий партиялар фаолиятида аёллар ва эркакларнинг тенг иштирокини таъминлашга чорлаши” лозим.

<sup>52</sup> ДИИХБ СКМ кузатувларига кўра, сайловолди тадбирлари иштирокчиларининг 47 фоизи аёллар бўлишига қарамай, тадбирда сўзга чиққанларнинг атиги 28 фоизи аёллар бўлган. Номзодларнинг 75 нафар ишончли вакилидан 14 нафаригина аёллардан бўлган.

<sup>53</sup> Сиёсий партияларни тартиблаштириш бўйича ДИИХБ ва Венеция комиссияси йўриқномасининг 160-бандида “сиёсий партиялар, масалан, ўз уставларида гендер тенгликни тарғиб қилиш мақсадида алоҳида қоидаларни кўзда тутиши мумкин. Бу, жумладан, тайинлов ва турли даражадаги номзодлар рўйхатида, раҳбарлик лавозимларда аёллар учун алоҳида квоталар кўзда тутиш шаклида бўлиши мумкин. Шунингдек, гендер тенглик алоҳида қадрият сифатида партиянинг сиёсий дастури ва уставида қайд этилиши мумкин”. [1995 йилдаги Пекин декларацияси ва амалиёт платформасининг](#) 191c-моддасида сиёсий партиялар “сиёсий дастурида гендер масалаларини қамраб олиш, партия раҳбариятида аёллар эркаклар билан тенг иштирок этишини таъминлашга” қаратилган чоралар кўриши лозимлиги айтиб ўтилган.

Хотин-қизларнинг жамоат ҳаётидаги ва сиёсатидаги, айниқса қарор қабул қилувчи раҳбар лавозимлардаги улушини янада ошириши мақсадида кенг ҳуқуқий, институционал ва маърифий чоралар кўрилиши лозим. Сиёсий партияларга аёлларнинг сиёсий карьерасида кўмаклашиши, сайловолди кампанияларидағи ўрнини ошириши ва гендер масалаларини ўз дастурларига киритиши тавсия этилади. Шу мақсадда гендер тенгликни тарғиб қилаётган партияларнинг давлат бюджетидан молиялаштирилиши ҳажмини ошириши, партияларнинг аёллар қанотига моддий ёрдам берии масаласини кўриб чиқши мақсадга мувофиқдир.

ДИИХБ кузатувчилари иштирок этган ташвиқот тадбирларининг деярли ярмида ногиронлар иштирок этиши учун барча қулайликлар яратилган эди. Сайловолди тадбирларнинг бир нечасида эса имо-ишора тили, жумладан, видео-алоқа усули кўлланилди. Уч нафар номзоднинг дастурларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини яхшилашга қаратилган чоралар мавжуд эди.<sup>54</sup> ДИИХБ СКМ алоҳида эҳтиёжи бўлган инсонлар учун мўлжалланган тарғибот воситаларини кўрмади.

Қонунчиликдаги сўнгги ўзгартиришларга кўра, маъмурий ресурсдан ножӯя фойдаланиш, жумладан мансабдор шахсларнинг сайловолди кампанияларда иштирок этиши тақиқланган.<sup>55</sup> Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учрашувлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналарни бепул ажратиши, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатиши шарт. Барча номзодларга нисбатан тенг қўлланилган тақдирда бу қоида ортиқча муаммо туғдирмайди, лекин муносиб кафолатлариз бу қоида суиистеъмолга сабаб бўлиши мумкин.<sup>56</sup> ДИИХБ СКМ кузатишича, Шавкат Мирзиёев президент сифатида вилоятларга қилган ташрифлари билан сайловолди ташвиқот тадбирларини бирлаштириб, бу тадбирлар ОАВда кенг ёритилганлиги сабаб номзод сифатда анча устунликка еришди.<sup>57</sup> Энг гавжум жойларда жойлаштирилган билбордларда намойиш қилинган, Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллигига бағищланган жўшқин фото ва видеоматериаллар ҳам амалдаги президентни кенг тарғиб қилишга ўз ҳиссасини қўшди. Шавкат Мирзиёевнинг ижтимоий тармоқлардаги барча саҳифалари президент матбуот хизмати томонидан бошқарилди. Бундай амалиётлар эса, 1990 йилдаги ЕХХТ Копенгаген хужжатининг 5.4-бандига зид равишда, давлат ва партия ўртасидаги чегарани ювиб юборган.<sup>58</sup>

<sup>54</sup> Шавкат Мирзиёев ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаш, Баҳром Абуҳалимов ногирон аёлларни кўллаб-қувватлаш, Мақсуда Ворисова ногиронлиги бўлган шахсларнинг соғлиғини саклаш, ижтимоий ҳимояси, уй-жой билан таъминланиши ҳақида гапирган.

<sup>55</sup> Сайлов кодексига киритилаётган ўзгартиришлар лойиҳасида маъмурий ресурсдан ножӯя фойдаланишга қарши, жумладан мансабдор шахс кўл остидаги ходимларини сайловолди кампанияга жалб этишни тақиқлаш каби батафсилроқ чоралар кўзда тутилган эди, лекин улар қабул қилинмаган.

<sup>56</sup> “Сайлов жараённида маъмурий ресурсларнинг суиистеъмол қилишни олдини олиш бўйича” ДИИХБ ва Венеция комиссияси йўриқномасининг В.1-қисмига ҳамда “Сиёсий партияларни тартиблаштириш бўйича” ДИИХБ ва Венеция комиссияси йўриқномасининг 251- ва 253 -бандларига қаранг.

<sup>57</sup> ДИИХБ СКМнинг кузатувларига кўра, президент иштирок этган сайловолди тадбирларига салмоқли тайёргарлик кўрилган, жумладан хавфсизлик, логистика, ОАВда ёритиш ҳамда юқори мансабдор шахсларнинг иштироқи нутқи назаридан. Масалан, бунга Фарғона ва Андиконда 28-29 сентябрда, Тошкент, Сирдарё, Бухоро ва Жиззах вилоятларида 6, 7, 12 ва 21 октябрда бўлиб ўтган тадбирларда гувоҳ бўлиши мумкин эди. Номзод унга давлат раҳбари сифатида берилган вертолёт ва учоқлардан фойдаланган.

<sup>58</sup> 1990 йилги Копенгаген хужжатининг 5.4-бандига кўра, “давлат ва партия ўртасида аниқ чегара ўтказилиши лозим; сиёсий партиялар, жумладан, давлат билан аралашиб кетмаслиги лозим”. Шунингдек, Сиёсий партияларни тартиблаштириш бўйича ДИИХБ ва Венеция комиссияси йўриқномасининг 251-бандига қаранг.

*Мутасаддилар давлат ва партия ўртасида аниқ чегарани ўtkазили лозим. Мансабни суиистеъмол этишига қарии самарали жазо механизмини жорий этиши ва қўллаш лозим.*

## IX. КАМПАНИЯНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

Сайлов кампанияларини молиялаштириш Сайлов кодекси ва “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади. Конунчиликда кампанияни молиялаштириш билан боғлиқ, жумладан молиялаштириш ҳақидаги ҳисоботни тақдим этмаслик ёки ман этилган манбалардан маблағлантириш каби қонунбузарликлар учун белгиланган жазо аниқ ва таъсирчан эмас.<sup>59</sup> Ёлгон ёки тўлиқ бўлмаган ҳисобот учун жазонинг мавжуд эмаслиги сайловолди кампаниясини молиялаштириш устидан назоратнинг самарадорлигини чеклайди. Баъзи мавхумликлар ёки бўшлиқлар МСК қарорлари билан қисман ўнгланган.<sup>60</sup>

МСК қарорларида унинг бошқа тартиб-қоидалари, жумладан, ҳисобот бериш муддатлари ва шаклларини белгилаш, сайловолди кампанияси учун ажратилган хайрия маблағларини қайтариш талаблари ҳамда партияларга сайлов билан боғлиқ харажатларни давлат жамғармалари ҳисобидан компенсация тўлаш шарти билан партия маблағлари ҳисобидан олдиндан олиш имконини бериш тартиблари белгиланади.

Сиёсий партияларнинг сайлов кампаниялари билан боғлиқ барча харажатлари МСК белгилаган микдорда давлат бюджетидан молиялаштирилади. 2021 йилда сайлов кампаниялари харажатлари учун 15,5 миллиард сўм (1,25 миллион евро) ажратилган бўлиб, номзод кўрсатган бешта сиёсий партияниң ҳар бири 3,1 миллиард сўмдан олган.<sup>61</sup> Конунчиликда партиялар молиявий ва бошқа, жумладан ҳайрия маблағларидан қонунда ҳамда уставларида назарда тутилган мақсадларда фойдаланиши айтилган, лекин бу маблағлардан сайловолди кампанияси мақсадларида фойдаланиш тақиқланади. Бу ўз навбатида, ҳалқаро илғор тажрибага зид равишда инсоннинг ўз ихтиёрига кўра сиёсий дастак бериш эркинлигини чеклайди ва сиёсий плюрализмга таъсир қиласди.<sup>62</sup>

Қонунда тақиқланганига қарамай, ДИИХБ СКМга маҳаллий ҳокимликлар хусусий компаниялардан сайлов бўйича баъзи бепул хизматлар кўрсатишни сўраганлиги, ижтимоий рекламадан сайловдаги чекловларни енгиб ўтиш мақсадида фойдаланилгани ҳақида хабарлар келиб тушган.<sup>63</sup>

<sup>59</sup> Сиёсий партияларни тартиблаштириш бўйича ДИИХБ ва Венеция комиссияси йўриқномасининг 272-бандига кўра, “жазо тегишли қонун-коидаларни бузган партияларга нисбатан кўлланиши лозим, бунда жазо моҳиатан профилактик тусга эга бўлиши керак. Шунингдек, жазо объектив, самарали ва қилмишга мутаносиб ҳам бўлиши лозим”.

<sup>60</sup> МСК ҳисботларнинг муддати ва шаклини белгилаб берди, шахсий ҳайрияларни қайтариб бериш тартибига изоҳ берди ҳамда сайлов билан боғлиқ харажатларни партия ҳисобидан вақтинча қоплаб туришга руҳсат берган.

<sup>61</sup> 1 евро 12 180 сўмга тенг.

<sup>62</sup> Тақиқ молиялаштиришнинг барча муқобил шаклларига, жумладан партия ёки номзоднинг маблағларидан, ҳайрия маблағлардан фойдаланишга тааллуқли. Сиёсий партияларни тартиблаштириш бўйича ДИИХБ ва Венеция комиссияси йўриқномасининг 204- ва 209-бандларига кўра, “инсон ўз ихтиёрига кўра бирор сиёсий партияни хусусан молиявий дастак бериш орқали кўллаш хуқуқига эга”. 233-бандида эса “давлат томонидан ажратилган молия партияниң ягона даромад манбаи бўлмаслиги ёки уни давлатга қарам қилиб қўйишга хизмат қилмаслиги лозим” деб айтилган.

<sup>63</sup> ДИИХБ СКМга хабар беришларича, реклама агентликлари ҳамда LED монитор ва билборд эгалари сайлов кампанияси ҳамда сайловчиларни хабардор қилиш кампанияси мақсадларига текин жой ажратишлари сўралган. Бундай ҳолатлар Бухоро, Хива, Самарқанд, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятида кузатилган. Баъзи ҳолларда бепул тарғибот ижтимоий реклама сифатида узатилган.

*Сайловчиларнинг сиёсий иштироки ва плюрализмни янада тарғиб этиши мақсадида, сайловолди кампаниясини молиялаштириши қоидалари халқаро илгор тажкриба билан мувофиқлаштирилиши лозим. Инсонлар ҳам сайловолди кампаниясини ўз ҳисобидан, хайриялар эвазига молиялаштириши имконига эга бўлиши лозим. Қонунчиликда ушибу хайриянинг ҳажми, вақти ва усули борасида муайян қоидалар, ҳамда ушибу шахсий манбадан келаётган маблағлар ҳақида ҳисобот берииш ва аудитдан ўтказиши талаблари кўзда тутилган бўлиши мумкин.*

ДИИХБнинг аввалги тавсияларини қисман инобатга олган ҳолда, эндиликда сиёсий партиялар сайловда иштирок этишини ва уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш ҳақида сайловдан 5 кун олдин оралиқ ҳисобот ва сайлов натижалари эълон қилинганидан 20 кун ўтиб якуний ҳисобот топшириши шарт. Бу ҳисоботларда сайловолди кампанияси билан боғлиқ ҳаражатлар тўлиқ акс этилган бўлиши керак. Лекин на МСК, на сиёсий партиялар бу оралиқ ҳисоботни эълон қилган, бу эса янги чоралардан кўзланган мақсадни чиппакка чиқаради ва шаффоффликка путур етказади.<sup>64</sup> Сиёсий партиялар ўзининг сайловда иштирок этишини молиялаштириш тўғрисидаги ахборотни сайлов якунлари эълон қилинганидан кейин бир ой ичida ўз расмий веб-сайтларида ва босма нашрларда эълон қилиши шарт.

*Шаффоффлик ва ҳисобдорликни ошириши мақсадида, сайловолди кампанияси билан боғлиқ барча молиявий ҳисоботлар, шу жумладан оралиқ ҳисоботи ҳам, ўз вақтида ошкор этилиши керак. Кампанияни молиялаштириши билан боғлиқ қоидабузарликларга мутаносиб ва таъсирчан жазо чораларини қўллаши масаласи кўриб чиқилиши лозим.*

Сиёсий партия ҳар йили қонунчиликда белгиланган муддатларда ҳамда тартибда молия органларига, давлат солиқ хизмати органларига, Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигига ҳисобот даврида олинган ҳамда сарфланган молиявий ва бошқа маблағлар тўғрисида ҳисобот тақдим этиши шарт. Ҳисоб палатаси эса бу фаолият бўйича молиявий аудитни кейинги календарь йилнинг бошида ўтказади. ДИИХБнинг аввалги тавсиясига мувофиқ, аудит натижалари эълон қилиниши кутилмоқда.<sup>65</sup>

## X. МЕДИА

### A. МЕДИА МУҲИТ

Ўзбекистон медиа муҳити кичик, лекин ўсиб бораётган реклама бозорида хусусий ОАВ билан рақобатлашаётган кўплаб давлат оммавий ахборот воситаларидан иборат дея тавсифлаш мумкин.<sup>66</sup> Телевидение ахборот олишнинг асосий манбай ҳисобланади, айниқса вилоятларда. Ўзбекистон

<sup>64</sup> [Коррупцияга карши конвенциянинг](#) 7(3)-моддасига кўра, давлат “сиёсий лавозимга сайланаштаган номзодларнинг, ва керак бўлса, сиёсий партияларнинг молиялаштириш манбаларининг шаффоффигини таъминлашга қаратилган маъмурий чораларни кўриши лозим”. жамоатчиликка ахборот олиш имконини” тақдим этиши шарт. Сиёсий партияларни тартиблаштириш бўйича ДИИХБ ва Венеция комиссияси йўриқномасининг 247- ва 259-бандларига ҳамда [“Сайлов жараённида маъмурий ресурсларнинг сунистъемол қилишини олдини олиш бўйича”](#) ДИИХБ/Венеция комиссияси йўриқномасининг II.A1.1 ва II.A.I.1.3. B.1-қисмига қаранг.

<sup>65</sup> Ҳисоб палатасининг ДИИХБ СКМга маълум қилишича, аудит методологияси ҳозирда қайта кўриб чиқилмоқда.

<sup>66</sup> АОКА берган маълумотларга кўра, ҳозирда Ўзбекистонда 736 та давлат ва 1 180 та хусусий ОАВ фаолият кўрсатади. ОАВ соҳасида фаолият кўрсатувчи International Media Service компанияси 2020 йилдаги реклама бозорининг умумий ҳажмини таҳминан 42 миллион евро, шундан ТВнинг улуши 28.7 миллион евро деб баҳолаган ([хавола рус тилида](#)).

Миллий телерадиокомпанияси (МТРК) таркибига 12 миллий телеканал ва 13 ҳудудий телеканал киради. МТРК давлат бюджетидан йилига бутун реклама бозоридаги айланма маблағлардан кўпроқ пул олади.<sup>67</sup> МТРК раиси Вазирлар Маҳкамаси томонидан президент тақдимномасига кўра тайинланади. Бугунга қадар МТРКни жамоат телерадиокомпаниясига айлантириш ҳаракатлари кузатилмади.<sup>68</sup>

*Узатилаётган ахборот турини, сифатини ошириши ва фикр плорализмини таъминлаши мақсадида давлатга оид МТРКни турли манбалардан молиялаштириладиган, мустақил раҳбарият бошичилигида аниқ белгиланган жамоавий талабга биноан фаолият юритадиган жамоат компаниясига айлантириши тавсия этилади. Бундай телерадиокомпаниядан сиёсий воқеликни, жумладан сайловларни бетараф ва холис усуlda ёритиш талаб этилади.*

Медиа иқлимининг бироз яхшиланиши хусусан онлайн ОАВ ва ижтимоий тармоқларда маҳаллий бошқарув органлари ва ижтимоий муаммоларнинг танқидий ёритилишига йўл очди. Бирок блогер ва журналистларга нисбатан тобора ошиб бораётган маъмурий ва жисмоний тазийиқ жамиятда ўзини ўзи цензуралаш ҳамон кенг тарқалганига ҳам сабаб бўлмоқда.<sup>69</sup> Саноқли ОАВгина расмиятчиликдан ҳоли хабарларни тарқатишга уринмоқда, таҳлилий ёки журналистик суриштирув материаллари деярли мавжуд эмас. ДИИХБ СКМ сұхбатдошлари журналистларнинг умумий ва касбий савияси пастлигини алоҳида таъкидлаган. Сұхбатдошларнинг фикрича, бундай ахволга ОАВларни қўллаб-қувватловчи ҳалқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги фаолиятига қўйилган чекловлар ҳамда ННТларни хориждан молиялаштириш борасида Адлия вазирлигининг ўта қатъий талаблари ҳам сабаб бўлган.<sup>70</sup>

Бир қатор ДИИХБ сұхбатдошлари марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўзларининг матбуот хизматларини такомиллаштириб, мунтазам матбуот анжуманларини ўтказиши орқали оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни тизимли равишда яхшилаётганлигини таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, конституцияда ахборотни чекловсиз олиш ва тарқатиш эркинлиги кафолатланган, лекин бунинг амалий ижро механизмининг мавжуд эмаслиги давлат органларининг ахборот тақдим қилишида ўзбошимча ёндашувига сабаб бўлмоқда. Аксар ДИИХБ сұхбатдошлари жамоатчилик манфаатидаги ҳужжатларнинг онлайн базаси яратилганини

<sup>67</sup> МТРКга давлат бюджетидан 2021 йил учун 32.5 миллион евро ажратилган. ФСҲП 25-моддасига БМТ Инсон Хуқуқлари Кўмитаси 25-Умумий Шарҳининг 16-бандига кўра, давлат “жамоат телерадиокомпаниялари мустақил равиша фаолият юритишини таъминлайди. Шу жиҳатдан, мутассадилар таҳририят эркинлиги ва мустақиллигини кафолатлаши лозим. Давлат ушбу таҳририят мустақиллигига раҳна солмайдиган тарзда маблағ ажратиши лозим”.

<sup>68</sup> БМТ Фикр ва сўз эркинлиги бўйича маҳсус маъruzачисининг, EXХТ ОАВ эркинлиги бўйича вакилининг, Америка Давлатлари Ташкилоти (ОАС) сўз эркинлиги бўйича маҳсус маъruzачисининг, Инсон ва ҳалқларнинг хуқуқлари бўйича Африка комиссияси (АЧПР) сўз эркинлиги ва ахборотдан фойдаланиш эркинлиги бўйича маҳсус маъruzачисининг 2021 йилдаги “Сиёсатчилар, жамоат арбоблари ва сўз эркинлиги” тўғрисидаги Кўшма декларациясининг 2.с.и-бандида давлатларга “мустақил ва муносиб молиялаштирилган жамоат телерадиокомпаниясини ташкил этишни” тавсия этилган.

<sup>69</sup> Ноқонуний курилишлар ҳақида ёзган блогер Отабек Сатторий 2021 йилда товламачилик ва тухмат айловлари билан 6,5 йилга қамалган. ЛГБТИ хуқуқлари ҳимоячиси, блогер Миразиз Базаров март ойида номаълум шахслар томонидан каттиқ қалтакланган, бу борадаги тергов ушбу хисбот ёзилаётган пайтда ҳамон якунланмаган эди. Вилоят ҳокимини танқид қилган блогер Дадаҳон Ҳайдаров 2020 йил август ойида жамоат жойида тартибсизликларини чиқарганликда айбланиб 10 суткага қамалган, бирок [ОАВ хабарига](#) кўра, кейинчалик расмий айловларсиз қўйиб юборилган.

<sup>70</sup> Президент 2021 йил 3 март куни имзолаган қарорига кўра, ННТ Адлия вазирлигини хабардор қилган ҳолда хорижий манбалардан олинадиган пул маблағларининг жами суммаси базавий ҳисоблаш микдорининг йигирма бараваридан юз бараваригача оширилди (400 еврода 2 000 еврога).

олқишилаган. Шу билан бирга, бу базаларга уланишдаги баъзи қийинчиликларни ҳамда батафсил маълумотлар, жумладан сайловдан олдин ва кейин сайловчиларнинг алоҳида рўйхати, вилоят ва туман даражасида овозларнинг тақсимоти, ҳамда суд қарорлари ҳақида маълумотлар, халқаро стандартларга зид равища, деярли чоп этилмаслигини таъкидлашган.<sup>71</sup>

*Инсонларнинг ахборот олиши ҳуқуқи ва сайловчиларнинг муносаб танловига кўмаклашии мақсадида мутасаддилар жамоатчилик манфаатидаги идоравий маълумотларни фаол ва барвақт чоп этиб туриши лозим. Бундай маълуот олиши учун осон, тез, самарали ва амалий шаклда тақдим этилиши лозим.*

Хорижий журналистлар Ташки ишлар вазирлигининг аккредитациясидан ўтиши лозим.<sup>72</sup> ТИВ берилган аккредитацияни, масалан, журналист “кўл урган ҳаракатлар мамлакат фуқаролари қадр-қимматини камситганлигига” ёки “Ўзбекистон ички ишларига аралашгани аниқланганида” бекор қилиш ёки чўзишдан бош тортиш ваколатига эга.<sup>73</sup> Сайлов билан боғлиқ қисқа муддатли аккредитацияни олиш учун хорижий ОАВлар шунингдек МСК аккредитациясидан ҳам ўтиши лозим.<sup>74</sup> ДИИХБ СКМ билан сұхбатлашган бир нечта хорижий ОАВ вакилларига кўра, аккредитация олиш муддатлари ҳақида баъзи Ўзбекистон элчихоналарининг маълумотлари ноаниқ бўлиб, журналистлардан Ўзбекистонда ким билан ва қаерда учрашиши ҳақида маълумотлар ҳам талаб қилинган; ТИВ бу иддаони инкор этмоқда.<sup>75</sup>

## B. МЕДИА ҚОНУНЧИЛИГИ

Конституцияда сўз ва фикр эркинлиги, маълумотлардан teng фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланган, цензура тақиқланган лекин айни вақтда, оммавий ахборот воситалари ва блогерлар тарқатган

<sup>71</sup> Масалан, очиқ маълумотлар базасидан бирор ташкилот ҳақида маълумот олиш учун унинг СТИРини киритиш керак, бу еса одатда ёпиқ маълумотдир. [ФСХХПга берилган 34-умумий изохларнинг](#) 19-бандида “Иштирокчи-давлатлар давлат ихтиёридаги умум манфаатида бўлган маълумотларни очиқ шаклда жойлаштириши ҳамда бундай маълумотни фуқаролар тез, самарали ва амалий шаклда олишлари учун барча чоралар кўриши лозим”лиги таъкидланган.

<sup>72</sup> ТИВ (рус тилидаги) [маълумотига](#) кўра, 29 сентябр кунига келиб 49 нафар хорижий мухбирга узоқ муддатли аккредитация берилган.

<sup>73</sup> Баъзи нашрларнинг ДИИХБ СКМга маълум қилишича, улар аккредитация олиш учун ТИВга берган мурожаати ҳамон жавобсиз қолмоқда. ТИВнинг ДИИХБ СКМга маълум қилишича, Radio Free Europe/Radio Liberty ташкилотининг ўзбек тилидаги нашри бўлмиш “Озодлик” радиосига аккредитация журналистик этика ва стандартларга тўғри келмайдиган ҳатти-ҳаракати учун берилмаган. ТИВ полъшалик журналист Агнешка Пикулицка-Вильчевсканинг аккредитациясини узайтирмасликка қарор қилди, журналистнинг ўзига бу ҳақида расман тушунтириш берилмаган. ТИВ ДИИХБ СКМга маълум қилишича, АОКА мониторинги Пикулицканинг фаолиятида қонунчиликнинг бузилиши ҳолатлари қайд этилганлиги сабабли унинг аккредитация муддатини узайтириш сўрови рад этилган. Пикулицкага турист сифатида Ўзбекистонга кириш ҳам расмий сабабларсиз таъкиқланган. [EXXT ОАВ эркинлиги бўйича вакилининг 4/2016 Баёнотида](#) “аккредитация контентни назорат қилиш, маълумотлар тарқатилишини чеклаш ёки ёт тарғибот учун жазо сифатида кўлланмаслиги лозим”. Шунингдек, EXXT ОАВ эркинлиги бўйича вакилининг 2016 йилдаги “EXXT минтақасида хорижий мухбирларни аккредитация қилиш тўғрисида”ги [Хисоботига](#) қаранг.

<sup>74</sup> МСК маълумотига кўра, 233 нафар хорижий мухбирга сайлов билан боғлиқ қисқа муддатли аккредитация берилган.

<sup>75</sup> Швейцариянинг SRF телеканалининг ДИИХБ СКМга маълум қилишича, Россиядаги Ўзбекистон элчихонасига 7 октябрда берилган мурожаати ўз вақтида кўриб чиқилмаган, гарчи элчихона мурожаатни муддатдан аввал олинганини эътироф этган бўлса-да. ТИВнинг тушунтиришича, аккредитация мурожаатини сайлов кунидан 10 кун аввал топшириш МСК талаби бўлиб, бундан ташқари мурожаатларни 14 иш кунида кўриб чиқидаги ТИВнинг қоидаси ҳам бор, бу иккиси жами 24 иш кунини ташкил этади.

маълумотларнинг “хаққонийлиги” ва фойдаланувчилар қолдирган изоҳларга масъул ҳисобланадилар.<sup>76</sup>

Учинчи томон ахборотининг холислиги ва ишончлилиги учун уни ўз платформасида тарқатган ўртакаш ОАВ ёки блогерларни жавобгар қўлувчи қонунчилик нормалари бекор қилинши лозим, чунки бундай жавобгарлик сайловолди кампаниясидаги баҳс-мунозорани иҳоталашига олиб келади. Бунга истисно ушбу контентга аралашган ёки мустақил, бетараф назорат органининг контентни ўчириши қонуний талабномасига бўйсунмаган ОАВ ёки блогерлар бўлиши мумкин.

2020 йил декабрь ойида Жиноят кодексига киритилган ўзгартиришларга кўра, тухмат ва ҳақорат учун жазо сифатида қамоқ жазоси бекор қилинди. Лекин бу қоидабузарликлар, ҳалқаро стандартларга зид равишда, ҳамон жарима, ахлоқ тузатиш ишлари ёки озодликни чеклаш билан жазоланувчи жиноят сифатида баҳоланмоқда.<sup>77</sup> Бундан ташқари, президентга тухмат ёки уни ҳақорат қилиш ҳақидаги модда Интернет тармоғи ёки ижтимоий тармокларда қилинган тухмат ёки ҳақорат билан тўлдирилди.<sup>78</sup> Журналистлар ва блогерлар “фуқароларнинг қадр-қимматини ерга уриш”, ёлғон маълумотларни тарқатиш, жумладан, оммавий вахимага солиш ва хавфли юқумли касалликлар тарқалиши ҳақидаги ёлғон маълумотларни ёки жамоат тартибига раҳна солувчи маълумотларни тарқатгани учун жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин.<sup>79</sup> Медиа соҳасидаги ўта тақиқловчи қонунчилик мустақил журналистикани бўғилишига, журналистлар ўзини ўзи цензуралашига сабаб бўлмоқда. Сўз эркинлиги фақатгина ҳалқаро қонунчилигига бу учун ишлаб чиқилган уч мезонга мос тушгандагина чекланиши мумкин. Яъни, биринчидан, чеклов қонунчиликда кўзда тутилган бўлиши керак, иккинчидан, ҳалқаро қонунчиликда кўзда тутилган жоиз мақсадларга мувофиқ бўлиши лозим, ва учинчидан, ушбу мақсадни ҳимоя қилишга етарлигина ва мутаносиб бўлиши лозим.

<sup>76</sup> БМТ Фикр ва сўз эркинлиги бўйича маҳсус маъruzачисининг, ЕХХТ ОАВ эркинлиги бўйича вакилининг, Америка Давлатлари Ташкилоти (ОАС) сўз эркинлиги бўйича маҳсус маъruzачисининг, Инсон ва ҳалқларнинг ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси (АЧПР) сўз эркинлиги ва ахборотдан фойдаланиш эркинлиги бўйича маҳсус маъruzачисининг 2017 йилдаги “Сўз эркинлиги ва сохта хабарлар” тўғрисидаги [Кўшма декларациясида](#) айтилганидек, “нашр ҳеч қачон учинчи томон контенти учун жавобгар бўлмаслиги керак [...]. Муаллифи ўзи бўлмаган ёки контентга ўзгартиришлар киритмаган маълумотни тарқатиш ёки тарғиб этиш учун шахсларни жазоламаслик масаласини кўриб чиқиш лозим”.

<sup>77</sup> ФСХХПга берилган 34-умумий изоҳларнинг 47-бандида “Иштирокчи давлатлар тухмат жазосини декриминаллаштириш, ҳамда, қандай бўлмасин, жиноят кодекси факатгина энг жиддий ҳолларда кўлланиши лозим, қамоқ ҳеч қачон жоиз жазо эмасdir”.

<sup>78</sup> 2021 йил 19 апрелда ДХХ блогер Валижон Калановга қарши президентни ҳақорат қилгани учун жиноий иш [очди](#) (хавола рус тилида). ФСХХПга берилган 34-умумий изоҳларнинг 38-бандида, БМТ қўмитаси “давлат раҳбарини ҳақорат қилишни жазолашга ҳамда давлат арбобларига алоҳида ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик” борасида ўз ҳавотирини билдирган ва “қонунчиликда факатгина арбоб бўлгани учунгина уни ҳақорат қилганга қаттиқроқ жазо бериш кўзда тутилмаган бўлиши керак” деб айтган. БМТ Фикр ва сўз эркинлиги бўйича маҳсус маъruzачиси ва ЕХХТнинг ОАВ эркинлиги бўйича вакилининг 2021 йилдаги Кўшма Баёнтининг 2.b.ii-iii-бандида “тухмат учун жиноий жавобгарликни бекор қилиш”, уни “фуқаролик қонунлари фойдасига ҳал қилиш” ва “жамоат арбоблари учун алоҳида ҳимояни таъминловчи қонунларни” бекор қилишга чақиради. Мансабдор шахсларга нисбатан айрим ҳаракатлар, жумладан, президентни ҳақорат қилишга учун жазо чоралари кучайтирилди, тухмат билан боғлик жиноятлар учун де-факто қамоқ жазоси 3 йилдан 5 йилгacha оширилди.

<sup>79</sup> Жиноят кодексида “қадр-қимматини ерга уриш (ҳақорат қилиш)”нинг аниқ таърифи йўқ ва шунинг учун, унга одатда лингвистик таҳлил билан аниқлик киритилади. 2021 йилнинг апрелидан бери уй қамоғида сақланаётган, Интернетда ёки шахсан мулоқот қилиши тақиқланган блогер Миразиз Базаров собиқ ўқитувчиларини “заволи инсонларни тарбиялаётган заволилар” дегани учун ҳақорат қилишда айланган.

Тухмат ва бўхтон тушунчалари қонунчиликда аниқ тавсифланиши лозим. Халқаро стандартларга мувофиқ тарзда бу қоидабузарликларни декриминалаштириши, жиноий жазони жабрланувчининг обрўсини тиклашга қаратилган маъмурий чоралар билан алмаштириши лозим. Белгиланган жарималар мутаносиб бўлиши ҳамда сўз ва фикр эркинлигига раҳна солувчи бўлмаслиги лозим. Қонунчиликда алоҳида давлат хизматчилари ёки жамоат арбобларига нисбатан устивор ҳимоя механизмлари ёки уларни ҳақорат қилганлик учун каттароқ жазо кўзда тутилмаган бўлиши лозим.

2019 йилда бир қатор маҳаллий ва халқаро ОАВ ҳамда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотларнинг аввал блокланган веб-сайтларига кириш қайта тикланган бўлса-да, халқаро стандартларга зид равища,<sup>80</sup> кўпгина бошқа сайтлар ҳамон блокланганлигича қолмоқда.<sup>81</sup> ОАВ соҳасини назорат қилувчи Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига (АОКА) блокланган веб-сайтлар реестрини юритиш вазифаси юклатилган, лекин бу реестр жамоатчиликка ошкор этилмаган. АОКА ДИИХБ СКМнинг бу ҳақидаги расмий сўровига жавобан ҳам маълумот тақдим этмаган.<sup>82</sup> Бундан ташқари, 2021 йилнинг 2 июлидан бошлаб Twitter, TikTok ва VKontakte ижтимоий тармоқларига, шунингдек Skype ва WeChat каби мессенжерларига кириш расман чеклаб қўйилган.<sup>83</sup> Коммуникация соҳасини назорат қилувчи Ўзкомназорат инспекцияси 3 ноябрь куни “қонун талабларига зид равища Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ишлов бераётган” Facebook, Instagram, Odnoklassniki, Telegram ва Youtube ижтимоий тармоқлардан фойдаланишни чеклаган.<sup>84</sup>

Халқаро стандартларга мувофиқ, вебсайтларнинг блоклаши контентни назорат қилиши, чегаралараро ахборот оқимини чеклаши ёки танқидий ёритишга жазо сифатида қўлланмаслиги керак. Вебсайтлар фақатгина қонунчиликда белгиланган холис ва шаффоф мезонлар асосида блокланниши мумкин. Шунда ҳам муайян саҳифалар блокланиб, бутун бошли вебсайтни блоклаши мақсадга мувофиқ эмас. Блокланаётган вебсайтлар ва жамоатчилик чекловнинг сабабларидан хабардор қилинини лозим ва бу қарор устидан шикоят киритши имкониятига эга бўлиши керак.

<sup>80</sup> ДИИХБ СКМ 60 га яқин турли халқаро ОАВ, хизматлар ва инсон ҳуқуqlари ташкилотларнинг веб-сайтлари блокланганлигини аниқлаган. Бу веб-сайтларнинг баъзи мутасаддиларининг СКМга хабар беришича, улар регулятордан сайт блокка тушиши ҳақида ҳеч қандай огохлантириш олмаган.

<sup>81</sup> ФСҲҲПга берилган 34-умумий изохларнинг 19-бандида веб-сайтларни чеклаш сўз эркинлигига қарши бўлмаслиги ва “барча жоиз чекловлар қоида сифатида муайян контент билан боғлик бўлиши керак” деб айтилган. БМТ Фикр ва сўз эркинлиги бўйича махсус маъruzачиси ва EXXTning ОАВ эркинлиги бўйича вакили, Америка Давлатлари Ташкилоти (OAC) сўз эркинлиги бўйича махсус маъruzачисининг, Инсон ва халқларнинг ҳуқуqlари бўйича Африка комиссияси (АЧПР) сўз эркинлиги ва ахборотдан фойдаланиш эркинлиги бўйича махсус маъruzачисининг 2020 йилдаги [Кўшка Баёнотининг](#) 1.а.ii.1-бандида “ОАВни цензура килиш, жумладан ОАВ веб-сайтини блоклаш ёки интернетни чеклаш орқали” ножоиз эканлиги таъкидлаган.

<sup>82</sup> АОКА тушунтиришича, бундай маълумот фақатгина давлат идораларига, юридик ва жисмоний шахсларга уларга мансуб бўлган вебсайтлар бўйича берилади. БМТ Фикр ва сўз эркинлиги бўйича махсус маъruzачисининг 2011 йилдаги [хисоботининг](#) 70-бандида “давлатлар блокланган веб-сайтларнинг тўлиқ рўйхатини ҳамда ҳар бир сайтнинг блокланиш сабабларини келтириши лозим. Контентни блоклаш ҳақидаги қарорни мустакил суд ёки сиёсий, тижорий ва бошқа ножоиз таъсиirlардан ҳоли бўлган бетараф ташкилот чиқариши лозим” деб айтилган.

<sup>83</sup> 2021 йил январда “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги қонунга киритилган ўзгартиришларга кўра, интернет хизматларидан ўзбекистонлик фойдаланувчилар ҳақидаги маълумотлар мамлакат худудидаги серверларда сақланиши шартлиги белгиланди. 29 октябрдаги ўзгартиришларга кўра эса, бу талабни амалга оширганлик учун 3 йилгача қамоқ жазоси белгиланди. Телекоммуникация соҳасини назорат қилувчи O'zKomNazorat давлат инспекцияси 2 июль куни [талабни бажармаган](#) бешта ижтимоий тармоққа кириш чекланганлигини эълон қилди ([хавола рус тилида](#)).

<sup>84</sup> Бу ижтимоий тармоқларга кириш бир неча соат ўтиб қайта тикланди, O'zKomNazorat бошлиги “нотўғри ва келишилмаган ҳатти-харакатлари учун” эгаллаб турган вазифасидан [четлатилди](#) (хавола рус тилида).

Сайлов кодекси сайловолди кампаниялари давридаги ОАВ фаолияти учун умумий тартиб-қоидаларни белгилаб беради. МСК 2021 йил апрель ойида қабул қиласан 1068-қарорида бу тартиб-қоидалар янада такомиллаштирилди. Қарорда тилга олинган МТРК бешта телеканалида ҳар бир номзодга 3,5 соатлик бепул вақт ҳамда босма ОАВлар ҳафталик нашрларида жой ажратди.<sup>85</sup> МСК қарорида, шунингдек, 13 вилоят телеканали ва 26 вилоят газетасида номзодларга етарлича вақт ва нашр учун жой ажратилиш белгиланган.

### C. МЕДИА МОНИТОРИНГ НАТИЖАЛАРИ

ДИИХБ СКМ амалга оширган ОАВ мониторинги натижаларига кўра, ОАВ сайловолди кампанияси мобайнида номзод ва уларнинг вакилларининг расмий тадбирларини ёритиш билангина кифояланган.<sup>86</sup> Номзодлар асосан ижобий тарзда ёритилган, уларнинг ёки мансабдор шахсларнинг фаолиятини таҳлилий ёки танқидий ёритиш деярли учрамади.<sup>87</sup>

O'zbekiston ва O'zbekiston24 каналлари барча сиёсий партия ва уларнинг номзодлари билан боғлиқ сиёсий ахборотни прайм-тайм пайтида деярли тенг, 11-14 фойз улушида ёритишга харакат қиласан. MY5, Sevimli ва UzReport каби хусусий телеканаллар, қонун талабларирига зид равища, Шавкат Мирзиёевнинг номзод сифатида фаолиятини ёритишга ажратган вақти (34, 39 ва 93 дақиқа) қолган жами тўрт номзодга аталган вақтдан (23, 15 ва 70 дақиқа) кўпроқ эди.<sup>88</sup> Яна бир хусусий телеканал ZO'R TV эса сайловолди кампаниясини умуман ёритмади. МСК 1068-қарорига биноан, номзоднинг расмий лавозимдаги фаолиятини ёритиш сайловолди кампания сифатида кўрилмади.

МСК МТРК таркибида бешта давлат телеканалидан сайловолди кампанияси давомида ҳар шанба куни номзодлар ўртасида дебатларга вақт ажратишни белгилаб берган; бироқ бу дебатлар ўтказилмай қолиб кетди. Бу эса номзодларни жонли баҳс-мунозарарада кўриш имкониятидан сайловчиларни маҳрум қилди. Сайлов ўтказиладиган ҳафта давомида, номзодларнинг вакиллари олдиндан ёзиб олинган иккита дебатда иштирок этиб, улар асосан модераторнинг саволларига жавоб бердилар, бир-бирлари билан эса деярли баҳс-мунозарага киришмади. Бу дебатлар бир кун олдингина эълон қилинган бўлиб, прайм-таймдан ташқари вақтда эфирга узатилди, бу ҳам дебатларнинг эҳтимолий кузатувчиларининг сонини камлигига сабаб бўлди.<sup>89</sup>

ДИИХБ СКМ томонидан мониторинг қилинган барча онлайн ОАВ ҳам, худди давлат телеканаллари каби, Шавкат Мирзиёевнинг номзод сифатидаги фаолиятини бошқа барча номзодларни жамлагандан кўра кўпроқ ёритди. Бундан ташқари, Шавкат Мирзиёевнинг президент сифатидаги фаолияти, жумладан вилоятларга ташрифи ҳам жуда кенг ёритилган.

ОАВ соҳасини тартибга солувчи орган ҳисобланган, Президент Администрацияси қошидаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистонда фаолият юритаётган телерадиоканаллар, босма ва онлайн нашрлар ҳамда ижтимоий тармоқларни устидан назорат қилиш

<sup>85</sup> МТРК ҳам 5 та давлат телеканалида сайлов кампаниясининг ҳар қунида 4 марта номзодлар хақида 30 сониялик видеолавҳаларни намойиш қилди.

<sup>86</sup> ДИИХБ СКМ сайловолди кампанияси мобайнида олтига телеканалда хабарларнинг ёритилишини кузатди: давлатга оид O'zbekiston ва O'zbekiston24 ҳамда хусусий MY5, Sevimli, UzReport ва ZO'R TV. Олтига онлайн ОАВ ҳам кузатилди: Dargyo.uz, Gazeta.uz, Kun.uz, Podrobno.uz, Qalampir.uz, Repost.uz.

<sup>87</sup> Битта кўзга қўринган истисно ўзбек меҳнат мигрантларини соликка тортишни таклиф қиласан Алишер Қодировна нисбатан бошқа номзодлар, ОАВ ва блогерлардан ёғилган танқид бўлди.

<sup>88</sup> МСК 1068-қарорининг 31-бандида барча ОАВдан номзодлар учун тенг имкон бериш, жумладан уларнинг фаолиятининг тенг ёритиш талаб этилган.

<sup>89</sup> Иккала дебат ҳам 17:00 ва 18:20 оралиғида эфирга узатилган.

кенг ваколатига эга. Конунчиликда, халқаро илғор тажрибага зид равиша, АОКА мустақиллиги кафолатланмаган.<sup>90</sup>

МСК топшириғига биноан, АОКА сайловолди кампаниясини ОАВда ёритилишини мониторинг қилиб, МСКга кундалик, жамоатчилик учун ёпиқ, ҳисоботлар топшириши лозим эди. Бу мониторинг натижаларини умумлаштирилган якуний шаклини МСК ўз вебсайтида эълон қилиши айтилган эди, бироқ улар ДИИХБнинг ушбу ҳисоботи ёзилган пайтида ҳам ҳеч қаерда чоп этилмаган. МСК АОКА мониторингининг натижаларига асосланиб ОАВда сайловолди кампаниясининг талаблари бузилганмаганлигини таъкидлаган.

*Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигини шаффофф ва жамоатчилик олдида ҳисобдор, функционал вазифалари аниқ белгиланган, мустақил, холис ва жамоавий бошқарувдаги назорат органига айлантириши масаласини кўриб чиқиши мақсадга мувофиқдир. Бу орган бошқарув аъзоларини тайинлаши механизми турфаликни акс этишига ҳамда манфаатлар тўқнашувини олдини олишига қаратилган бўлиши лозим.*

## XI. МИЛЛИЙ ОЗЧИЛИКЛАР ИШТИРОКИ

Ўзбекистон кўп миллатли давлатdir. Мамлакат аҳолисининг 83,8 фоизини ташкил этган ўзбеклардан ташқари, асосий этник гурухлар тожик, қозоқ, рус ва қорақалпоқлардан иборат.<sup>91</sup> Қорақалпоқлар асосан автоном республика мавқеига эга бўлган Қорақалпоғистон республикасида яшайди.

Конституцияда барча фуқаролар учун жинси, ирқи, миллати, тилидан қатъи назар бир хил ҳуқуқ ва эркинликлар кафилланган. Бу сайловларда этник озчиликка мансуб номзод иштирок этмади. Ҳеч бир номзод ўз сайловолди кампаниясида мамлакатдаги миллатлараро ва элатлараро масалаларга алоҳида урғу бермаган. ДИИХБ СКМ кузатган аксар сайловолди тадбирларда ўзбек тилидан фойдаланилган, баъзиларда бошқа тилларда ҳам маълумот берилган. ДИИХБ СКМ баъзи тарғибот ва ташвиқот материаллари ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилидан ташқари қозоқ, тожик ва туркман тилларида ҳам чоп этилганлигини қайд этган. Сайловолди кампания давомида миллий озчилик вакилларига нисбатан таҳқиrlовчи фикр билдириш ёки камситиш холатлари ҳақида маълумот келиб тушмади ва кузатилмади.

Сайлов Кодексига кўра, сайлов бюллетенлари давлат тилида, шунингдек ОСК қарорига биноан тегишли округ аҳолисининг кўпчилиги сўзлашадиган тилларда нашр этилади. МСК маълумот беришича, сайлов бюллетенларининг 94,6 фоизи ўзбек тилида (лотин ва кирилл ёзувидаги), 2,9 фоизи рус ва 2,5 фоизи қорақалпоқ тилида нашр этилган. Сайлов бюллетенлари баъзи округ аҳолисининг кўпчилиги сўзлашадиган бошқа тилларда нашр этилишини ОСКлар сўрамаган.<sup>92</sup> Кузатувчиларга бу масалада миллий озчиликлардан шикоят келиб тушмаган.

<sup>90</sup> АОКА раҳбарини президент, унинг ўринbosарларини эса Президент Администрациясининг раҳбари тайинлайди. ФСҲҲПга берилган 34-умумий изоҳларнинг 19-бандида давлатларга “ОАВ соҳасида назоратни олиб борадиган мустақил ва жамоавий органни тузиш” тавсия этилган. 2021 йилдаги [Кўшима Баёнотнинг](#) 2.а.ii-банди эса “медиа соҳасини назорат қилувчи ёки сўз эркинлигига кўмаклашувчи барча давлат идоралари сиёsatчилар, давлат арбоблари ва тижорий гурухлар таъсиридан ҳоли бўлишини таъминлаш” тавсия этилган.

<sup>91</sup> Сўнгти расмий аҳолини рўйхатга олиш 1989 йилда ўтказилган. Навбатдаги, 2020 йилнинг нояброда бўлиб ўтиши керак бўлган аҳолини рўйхатга олиш тадбири COVID-19 пандемияси деб 2023 йилга қолдирилди.

<sup>92</sup> Масалан, тожик миллатига мансуб аҳоли Самарқанд ва Бухоро вилоятлардаги худудларда зич яшайди. 1990 йилги Копенгаген хужжатининг 32.5-бандига кўра, “миллий озчиликка мансуб инсонлар маълумотни ўз она тилида

ДИИХБ СКМнинг ОАВ мониторинги “Мен овоз бердим. Сиз-чи?” хабардорлик кампанияси тўқиз тилда ўтказилганини кўрсатди. Сайлов билан боғлиқ материаллар, жумладан МСК қарорлари ва бошқа хуқукий хужжатлар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилидан ташқари интернетда қозоқ, тожик ва туркман тилларида ҳам чоп этилган.

## XII. ШИКОЯТЛАР ВА АППЕЛЯЦИЯ

2021 йилги Сайлов кодексига киритилган ўзгартиришлар натижасида, ДИИХБнинг аввалги тавсиясини ҳисобга олган ҳолда, сайлов билан боғлиқ низоларини ҳал қилишнинг муқобил йўллари бартараф қилиниб, процессуал муддатлар қисқартирилган. Бундан ташқари, 2021 йилнинг апрель ойида “Конституциявий суд тўғрисида”ги янги қонун қабул қилинганидан сўнг, жисмоний ва юридик шахслар, барча бошқа хуқукий воситалар иш бермаган тақдирда, ўз конституциявий хуқуқларини бузаётган деб тахмин қилаётган норматив-хуқукий хужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисида ариза билан бевосита Конституциявий судга мурожаат қилиш хуқуқига эга бўлди.

ДИИХБ СКМ билан сұхбатлашганларнинг баъзилари суд тизимининг фаолияти бироз яхшиланганлигини қайд этган бўлсалар, бошқалари шаффоффикнинг, айниқса суд амалиётида, йўқлиги, судлар халқдан узоқлиги ва давлатдан мустақил эмаслиги жамоатчиликнинг суд тизимиға бўлган ишончи пасайишда давом этаётганлигини таъкидладилар. ДИИХБ СКМ баъзи сұхбатдошлари сиёсатга аралашган шахслар судловида суд мустақил бўлмаганини билан боғлиқ муаммоларга алоҳида урғу берган.<sup>93</sup>

Сайлов кодекси барча сайлов иштирокчиларига сайлов жараёни устидан шикоятлар беришга рухсат беради. Бироқ бу соҳадаги сўнгги ислоҳотларни амалда синаб кўриш имкони бўлмади, чунки на сайлов органларининг қуий даражаларига, на судга арз ёки шикоят келиб тушмаган. Буни ДИИХБ СКМнинг баъзи сұхбатдошлари низоларни ҳал қилиш механизмига ишончнинг пастилиги ва сайловда ҳақиқий рақобат бўлмаганлиги билан изоҳлаган. МСКга фуқаролардан келиб тушган аризаларнинг барчаси фақатгина маълумот олиш билан боғлиқ бўлган.

Жисмоний ва юридик шахслар сайлов қонунчилиги бузилганлиги ҳақида сайлов комиссияларига, жумладан МСКга шикоят қилишлари мумкин. Бу шикоятларни сайлов комиссиялари уч кун ичида кўриб чиқиши лозим бўлади.<sup>94</sup> Сайлов органларининг ҳаракатлари ёки қарорлари устидан шикоятлар беш кун ичида маъмурий судларга юборилади ва улар томонидан уч кун ичида кўриб чиқилади. МСК устидан берилган шикоятларни Олий суд кўриб чиқади.

олиш, алмашиш ва тарқатиш хуқуқига эгадир”. ФСҲҲПга берилган 25-умумий изоҳнинг 12-бандидаги “сайлов ҳақида маълумот озчиликлар тилида ҳам тақдим этилиши лозим” деб айтилган.

<sup>93</sup> Президент суд ҳокимиятининг шаклланиши устидан катта таъсирга эга. Президент Сенатга Конституциявий суд, Олий суди таркибларига, шунингдек Судьялар олий кенгашининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади; вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раислари ва раис ўринбосарларини, Ҳарбий суд раисини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади; 21 аъзодан иборат Судьялар олий кенгашининг аъзоларини тасдиқлайди. 1990 йилги Копенгаген хужжатининг 5.12-бандига ҳамда БМТ “Судлов мустақиллиги борасида тамал тамойиллар”ининг 1-, 4-, 6-, 7-, 10- ва 13-бандларига қаранг.

<sup>94</sup> Сайловгача олти кундан кам муддат қолларда ёки сайлов куни киритилган шикоятларга сайлов комиссиялари дарҳол жавоб бериши шарт. Бу коида маъмурий судларга киритилган шикоятларга ҳам тааллукли.

Сайлов кодексида сайлов натижалари устидан шикоят киритишининг ёки овозларни қайта санаш талабининг сони чегараланмаган. Сайлов давомида йўл қўйилган, овоз бериш якунларига таъсир қилган қоидабузарликлар сабабли сайлов умуман ёки айрим сайлов округлари бўйича ёхуд айрим сайлов участкалари бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Лекин қонунчиликда бу қоидабузарликлар нимадан иборат эканлиги аниқлаштирилмаган. Айрим сайлов участкалари ёки округлар бўйича сайлов ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда ҳам сайлов умуман бўлиб ўтган деб топилиши мумкин бўлса. Лекин қонунчиликда сайлов бўлиб ўтган деб ҳисобланиши учун қанча сайлов участкалари ёки округларда сайлов ҳақиқий эмас деб топилиши кераклиги аниқлаштирилмаган.<sup>95</sup>

*Қонунчиликни ўзбошимча талқин этишининг олдини олиши, самарали ҳуқуқий ҳимояни таъминлаши мақсадида Сайлов кодексининг сайлов натижалирини белгилаш ҳақидаги моддалари янада аниқлаштирилиши керак.*

Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда сайловга доир моддалар ўта мавхум бўлиб, баъзи ҳолларда жиноят таркиби борасида аниқлик етишмайди, бу ўз навбатида ҳуқуқни қўллашда тизимишликка раҳна солмоқда.<sup>96</sup> Сайловга доир қонунбузарликлар учун кўзда тутилган жавобгарлик қилинган жиноятнинг аҳамиятига мос эмас ва қоидабузарликнинг олдини олиш қудратига эга эмас.<sup>97</sup>

*Ҳуқуқий аниқликни ўрнатиши мақсадида, сайловга доир қонунбузарликлар учун жавобгарлик тизими ислоҳ қилиниб, сайлов жараёнига таъсир қилувчи қоидабузарликлар учун ва эҳтимолий қоидабузарларга нисбатан самарали жазо механизми жорий этилиши лозим.*

### XIII. САЙЛОВНИ КУЗАТИШ

Сайлов кодекси сайлов жараёнини халқаро ташкилотлардан кузатувчилар, сиёсий партияларнинг вакиллари, ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бўлмиш Маҳалла қўмиталаридан кузатувчилар кузатишини белгилаб берган. Сайлов кодексига 2021 йилда киритилган ўзгартиришларга кўра, манфаатдор ташкилотлар эндиликда ўз кузатувчилари тўғрисида сайлов комиссияларига сайловдан камида ўн кун эмас, ўн беш кун олдин ариза билан маълум қиласди.

<sup>95</sup> 1990 йилги Копенгаген ҳужжатининг 5.10-бандига кўра, “барча инсонлар маъмурий қарорлар устидан самарали шикоят этиш имконига эга бўлиши лозим”. 1991 йилдаги [EXHT Москва ҳужжатининг](#) 18.2-бандига ҳам каранг.

<sup>96</sup> Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51.2-51.9 -моддалари сайлов комиссияларининг фаолиятига аралашиш, уларнинг қарорларини ижро этмаслик ва шу каби сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни белгилайди. Лекин бу моддаларда айнан қайси ҳатти-харакатлар аралашиш ёки таъсир қилишни ташкил этилиши етарлича очиқланмаган. Масалан, 51.8-моддасида факатгина сайловни молиялаштириш тартибини бузиш ҳақида гап кетмоқдами ёки сайловолди кампаниясини молиялаштириш ҳақида ҳамми, буниси ноаниқ. Жиноят кодексининг 146- ва 147-моддаларида овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов натижаларини қалбакилаштириш, сайлов ёки имзо варагаларига соҳта ёзувлар киритиш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш, фуқароларнинг сайлаш ёки сайланиш, сайловолди тарғиботи олиб бориши ҳуқуқларини, номзод шахснинг ишончли вакиллари ўз ваколатларини эркин амалга оширишларига тўсқинлик қилиш учун жазо белгиланган. Лекин қонунчиликда бошқасининг номидан овоз бериш ёки тўплам овоз бериш каби давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун жазо кўзда тутилмаган.

<sup>97</sup> Аксар маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жисмоний шахсларга 1 225 00 (100 евро) сўмгача, мансабдор шахслар учун 2 450 00 сўмгача жарима кўзда тутилган; сайловни молиялаштириш қоидаларини бузиш ҳамда жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини эълон қилиш тартибини бузиш энг жиддий маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади, бу учун мансабдор шахсларга 5 000 000 сўмгача жарима кўзда тутилган. Жиноий ҳуқуқбузарликлар беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Лекин қонунда оғирлаштирувчи холатлар белгиланмаган.

Халқаро кузатувчилар МСК аккредитациясидан, бошқалар эса ОСК аккредитациясидан ўтади.<sup>98</sup> Журналистлар ҳам сайлов жараёнини сайлов участкасида кузатиш учун аккредитациядан ўтиши керак.

Қонунчиликка кўра, маҳалла қўмиталаридан кузатувчиларга сайловни кузатишни 2019 йилда рухсат берилган. Маҳалла қўмиталари сайловга тайёргарлик ишларида муҳим ўрин тутганини инобатга олсан, улар айни дамда сайловни ҳам кузатиши манфаатлар тўқнашувига сабаб бўлиши мумкин.<sup>99</sup> Сайлов жараёнида бошқа мустақил жамоат ташкилотлари, хусусий ташкилотлар ёки алоҳида фуқаролар учун кузатувчиликни амалга ошириш имконияти кўзда тутилмаган, бу эса халқаро стандартлар ва ЕХХТ мажбуриятларига зиддир ва сайлов жараёнининг шаффофлигига путур етказмоқда.<sup>100</sup> ДИИХБ СКМнинг баъзи сухбатдошларига кўра, давлат хавфсизлик хизмати мамлакатдаги ННТлар фаолиятини, жумладан уларнинг чет эллик аудиторияга мўлжалланган хисоботлари ва баёнотларининг мазмунини назорат қиласди.<sup>101</sup>

*Сайлов жараёнида мустақил фуқаролик ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларига кузатувчиликни амалга ошириши имконияти берилиши мақсадга мувофиқдир.*

#### XIV. САЙЛОВ КУНИ

Муддатидан олдин овоз бериш 14 –20 октябрь кунларида ташкил этилди.<sup>102</sup> Сайловчи тўлдирилган сайлов бюллетенини ёпик конвертда қолдиради, конверт тегишли участка сайлов комиссиясининг сейфидаги сақланади ва сайлов куни бошқа бюллетенларга қўшилади. ДИИХБнинг аввалги тавсияси эътиборга олиниб, конвертнинг елимланган жойи овоз берувчининг имзоси билан тасдиqlаниши

<sup>98</sup> МСК 966 нафар халқаро кузатувчига ва 1 672 нафар журналистга аккредитация берган.

<sup>99</sup> “Бетараф сайлов кузатуви ва жамоат ташкилотлари мониторинги учун глобал тамойиллар тўғрисидаги Баёнотнинг 8-бандида айтилишича, “сайлов кузатувини холис, ён босмасдан ва синчковлик билан олиб бориши учун сиёсий, тижорий ёки бошқа манфаатлар тўқнашувидан холи бўлган инсонларгина сайловларни кузатиши лозим”.

<sup>100</sup> Копенгаген Ҳужжатининг 8-параграфида айтилишича, “иштирокчи-давлатлар сайловларда халқаро ва маҳаллий кузатувчиларининг иштироки сайлов жараёнининг муваффақиятига олиб келишини эътироф этадилар. Шунинг учун бу давлатлар сайловларни кузатиш учун бошқа (ЕХХТ) давлатлардан муносаб шахслар ва ташкилотларни таклиф қиласдилар”. ФСХП 25-моддасига БМТ Инсон Ҳукуқлари Кўмитасининг 25-Умумий Шархининг 20-бандига ҳам қаранг.

<sup>101</sup> 2020 йилги БМТ Инсон ҳукуқлари бўйича кенгашининг “Ўзбекистоннинг бешинчи даврий хисоботи бўйича якуний изоҳлари”да (48-бандида) айтилишича, “Кўмита амалдаги қонунчилик уюшиш эркинлигини ҳамон чеклаётганидан ҳавотирда. Жумладан, (а) ННТ ва сиёсий партияларни рўйхатга олиш талаблари асоссиз ва мураккабдир; (б) рўйхатга олмаслик учун сабаблар рўйхати узун; (в) ходими ҳорижга чиқиши ёки фаолияти учун ҳориждан маблағ олиш учун ННТлар Адлия вазирлигидан аввалдан рухсат олиши керак; (г) ННТдан “сиёсий фаолият” билан шуғулланмаслик талаб этилади”. ДИИХБ ва Венеция комиссиясининг “Уюшиш эркинлиги бўйича Йўриқнома”сининг 171-бандига кўра, “уюшмаларда ички эркинлик бўлиши, уларнинг фаолияти давлат аралашувидан ҳоли бўлиши керак. Бу энг муҳим талаб факатгина уюшма нотижорат бўлиши, дискриминация қиласлик тамойилини хурмат қилиши ва халқаро инсон ҳукуқларининг стандартларига кўра ноқонуний деб топилган фаолият билан шуғулланмаслиги талабларига тобе бўлиши мумкин”.

<sup>102</sup> МСК берган маълумотга кўра, Ўзбекистонда жами 301 094 нафар сайловчи, ҳориждаги элчихоналарда эса 120 524 нафар сайловчи овоз берган. Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунида бўла олмаслигининг сабаблари (таътил, хизмат сафари, ҳорижга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида тегишли участка сайлов комиссиясидан сайлов бюллетенини олади.

талаби бекор қилинган. Шунингдек, чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналар хузурида сайловни ташкиллаштиришда баъзи янгиликлар киритилган.<sup>103</sup>

Сайлов куни тинч ва тартибли ўтди, МСК кун давомида матбуот анжуманлари орқали сайлов жараёни ҳақида мунтазам хабар бериб турди ва бу сайловларнинг шаффоф ўтказилишига ўз ҳиссасини қўшди.

МСК COVID-19 пандемияси даврида сайловни ўтказиш тартибини ишлаб чиқкан, жумладан ҳарорати баланд сайловчилар участкага киритилмаслиги, уларга алоҳида овоз бериш имкониятини тақдим этиш қоидасини татбиқ этган.<sup>104</sup> СКХМ кузатган сайлов участкаларида бу қоидаларга умуман олганда риоя қилинган.

## A. ОЧИЛИШ МАРОСИМИ ВА ОВОЗ БЕРИШ

СКХМ очилиш маросимини кузатган 128 сайлов участкасида сайлов ўз вақтида ёки кичик кечикиш билан очилган. Кузатувчилар деярли барча участкаларда очилиш жараёнини ижобий баҳолади. Очилиш жараёни умуман олганда яхши ташкиллаштирилган, лекин баъзида УСКлар рўйхатга олинган сайловчиларнинг сонини (18 та УСК) ёки қабул қилиб олинган бюллетенларнинг сони (26 та УСК) каби мухим маълумотларни эълон қилмаган, бу шарт МСК қаорорларида кўзда тутилган эди.

СКХМ кун мобайнида сайлов жараёнини 1 267 та сайлов участкасида кузатди. Сайлов участкаларининг 7 фоизида навбатга туриш тартиби ва COVID-19 пандемияси билан боғлиқ тартибга амал қилиш самарали ташкиллаштирилмаганлиги сабабли одамлар гавжумлашиб кетиш ҳолатлари кузатилди.

Қонунчилликда участкаларда имконияти чекланган сайловчиларга қулай шароит яратиб бериш кўзда тутилган. МСК жумладан аравачада кириб овоз беришга мослашган, брайль бюллетени ва лупалар билан жиҳозланган кабинкаларни ташкил этиш орқали барча турдаги ногиронларга қулай шароит яратишга ҳаракат қилган. СКХМ кузатган 80 фоиз участкаларида ногиронлиги бор инсонлар учун шундай қулайликлар яратилган.

Сайлов участкаларида овоз бериш ва бунинг яширин бўлиши учун яратилган шароитлар умуман олганда яхши баҳоланди. Шунга қарамай, яширин овоз бериш тартиби бузилган ҳолатлар ҳам кузатилди. Хусусан, мониторинг қилинган сайлов участкаларининг 5 фоизида кишилар сайлов бериш кабиналарига бирга кирганликлари, 3 фоизида эса, ўзи овоз берган номзодни бошқаларга кўрсатган сайловчилар кузатилганлигини айтиб ўтиш мумкин.

Жиддий камчиликлар орасида сайлов қутиласига бир сайловчи томонидан бир нечта бюллетенлар ташланганини (кузатилган УСКларнинг 4 фоизида), бошқалар номидан овоз берилганлигини (кузатилган УСКларнинг 6 фоизида) ва бир сайловчига бир нечта бюллетенъ берилганини (кузатилган УСКларнинг 5 фоизида) қайд этиш мумкин. СКХМ шунингдек сайловчилар рўйхатида бир хил имзоларни (кузатилган УСКларнинг 17 фоизида) ва сайловчиларни овоз беришга мажбурлаш ҳолларини (кузатилган УСКларнинг 5 фоизида) пайқагандек бўлган. Сайловчиларнинг

<sup>103</sup> Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари хузуридаги сайлов участкаларида ҳам муддатдан аввал овоз бериш мумкин бўлган.

<sup>104</sup> Ҳар бир УСКга биттадан тиббиёт ходими бириктирилган. Коронавируснинг олдини олиш бўйича ижтимоий масофани сақлаш (камид 2 метр), сайловчилар, УСК аъзолари ва кузатувчилар никоб тақиши қоидасига қатъий амал қилиши назарда тутилган.

шахсини тасдиқлаш тартибига тўлиқ амал қилинмади, масалан, 6 фоиз ҳолларда сайлов участкалари ходимлари сайловчиларнинг шахсини тасдиқловчи хужжатларини текширмадилар, 5 фоизида сайловчи шахсини тасдиқловчи хужжатларида камчилик бўлса ҳам овоз берганлиги аниқланган. Шу сабабли сайлов участкаларининг 11 фоизидаги сайлов жараён салбий баҳоланди.

Кузатилган сайлов участкаларининг деярли барчасида партия кузатувчилари ва аккредитациядан ўтган маҳалла қўмитасининг вакиллари хозир бўлган. Сайлов участкаларнинг 11 фоизида бунга ваколати бўлмаган шахслар хозир бўлганлиги, улар, партия кузатувчилари, маҳалла қўмитасининг вакиллари УСК фаолиятига аралашаётгани кузатилган. Халқаро стандартларга кўра, давлатлар сайловчиларнинг эркин овоз бериш ҳуқуқини кафолатлашга қаратилган амалий чоралар кўриши лозим.<sup>105</sup>

*УСК фаолиятига ножоиз аралашини олдини олиш ва жазолаига қаратилган самарали чоралар кўрилиши лозим.*

СКХМ хабар беришича, қуйи даражадаги сайлов комиссияларига ёки судларга бирорта ҳам шикоят келиб тушмаган, Ички ишлар вазирлиги ва Баш прокуратура ҳам сайлов кунида қоидабузарликлар аниқланмаганини маълум қилган.

## B. ОВОЗЛАРНИ САНАШ

СКХМ кузатувчилари 105 сайлов участкасида сайлов кунининг яқунланишини ва овоз санаш жараёнини кузатди ва шундан жиддий камчиликлар деб 33 тасидаги ахволни салбий баҳолади. Сайлов участкаларнинг 15 тасида бунга ваколати бўлмаган шахслар санаш жараёнида иштирок этди. Кўп ҳолларда сайлов кутиси очилгунга қадар қилиниши керак бўлган тартиблар кетма-кетлигига риоя қилинмаган.<sup>106</sup> Овоз санаш жараёнида 20 та участкада СКХМ кузатувчилари овозлар жамлаб ташлаб қўйилганига, жумладан бир нечта бюллетенлар тахланиб қутига солинганлигига гувоҳ бўлди. УСКлар кўпинча бюллетенлар сонини солиштириш жараёнига амал қилмади; 41 та ҳолатда баҳсли бюллетенларнинг кучдалиги овоз бериш орқали ҳал қилинмади, 20 та ҳолатда бюллетенлар сони сайловчилар рўйхатидаги имзолар сонига мос келмади. Шунингдек, УСКлар сайлов баённомаларини тўлдиришда (21 та ҳолат) ҳам қийиналди. Аксар УСКлар СКХМ кузатувчилари билан овоз бериш ва санаш жараёнида тўлиқ ҳамкорлик қилдилар.

Ташкилотчилик ва шаффоффлик билан боғлиқ нуқсонлар сабабли одамлар гавжумлашуви, бесаранжомлик ва таранглик юзага келганлиги туфайли мониторинг қилинган 14 та ОСКдан 6 тасида якуний натижаларни аниқлаш ва қайд қилиш жараёни салбий баҳоланган.<sup>107</sup> СКХМ кузатувчилари, бази УСКлар сайлов баённомаларини ОСК биноларида тўлдираётганига ёки ОСКнинг тегишли қарорларисиз уларга тузатишлар киритаётганиклирга гувоҳ бўлган. СКХМ кузатувчиларининг хабар беришича, улар 3 та ОСКда процессуал жараёnlарини кузатишда муайян қийинчилик ёки тўсқинликларга учраган. Сайлов якунидан бироз ўтиб МСК дастлабки таҳминларга кўра сайловда 80.8 фоиз сайловчи иштирок этганини айтган. Дастлабки сайлов натижалари ва хар

<sup>105</sup> ФСҲХП га 25-умумий изоҳларнинг 20-бандида шундай дейилган: “давлатлар яширин овоз бериш талабини кафиллаши лозим. Бу кафолат талаби, сайловчилар овоз бериш жараёнида ҳар қандай тазиикдан, кимга овоз бермоқчи еканлигини ёки овоз берганини очиқлаш мажбуриятидан ҳоли бўлишига, ёки сайлов жараёнига ноқонуний ва ўзбошимча аралашишни олдини олишга қаратилган чоралар кўриши лозимлигини англатади”.

<sup>106</sup> Масалан, 20 та УСКда ишлатилмаган ёки бузуб қўйилган бюллетенлар сони хисобга олинмаган, яна 20 ҳолатда улар бекор қилинмаган. Шунингдек, 32 та ҳолатда жами чоп этилган бюллетенлар сони кўрсатилмаган.

<sup>107</sup> Масалан, УСК баённомаларида қўйилган арифметик хатолар Тошкентдаги ОСК фаолиятидаги чалкашликларга сабаб бўлди.

бир номзодга берилган овозлар тақсимотини МСК эртаси куни эълон қилган. 29 октябрь куни Шавкат Мирзиёев расман президент этиб сайлангани эълон қилинган. ОСК ёки УСК даражасида бўлинган натижалар эълон қилинмади, бу сайлов жараёнининг шаффофлигига путур етказди.

*Сайлов шаффофлиги ва ҳалоллигини ошириши мақсадида, МСК ўз вебсайтида ОСК ва УСК даражасидаги дастлабки ва якуний натижаларни иложи борича тезкор чоп этиши мақсадга мувофиқдир.*

## XV. ТАВСИЯЛАР

Матн бўйлаб берилган қўйидаги тавсиялар демократик сайловлар бўйича ЕХХТ доирасидаги мажбуриятлар ҳамда бошқа халқаро мажбуриятлар ва меъёрларга тўлалигича мувофиқ равишида Ўзбекистонда сайловларни ўтказиш борасидаги харакатларни кўллаб-қувватлаш мақсадида кўриб чиқиши учун тақдим этилмоқда. Ушбу тавсиялар хозирча эътиборсиз қолган ДИИХБнинг аввалги тавсиялари билан биргаликда ўқилиши керак.<sup>108</sup> ДИИХБ сайлов жараёнини янада яхшилашда ва ушбу ҳамда аввалги хисоботларда берилган тавсияларга амал қилишда Ўзбекистон Республикасининг бошқарув органларига ёрдам беришга тайёр.

### A. УСТИВОР ТАВСИЯЛАР

1. Ҳақиқий плюралистик муҳитни таъминлаш мақсадида, сиёсий ва ижтимоий уюшиш, йиғилиш ва фикр билдириш эркинликлари борасидаги қонунчилик қайта кўриб чиқилиши лозим. Қонун чиқарувчилар бу борадаги барча чекловлар истисно тарзида, фақатгина зарур бўлганда, демократик тамойилларга амал қилган ҳолда қўлланилишини таъминлаши лозим. Ушбу ислоҳотлар, халқаро стандартларга мувофиқ, инклузив, ошкора ва жамоатчилик билан маслаҳатлашув асосида ҳамда кейинги сайловлардан анча аввал ўтказилиши лозим.
2. Сиёсий партияларни рўйхатга олиш борасидаги талаб ва тартиблар уюшиш эркинлиги ва плюрализмга хурмат ва тарғиб руҳига мувофиқ қайта кўриб чиқилиши лозим. Сиёсий партияларни рўйхатга олиш жараёни тўлалигича шаффоф ва объектив мезонлар асосида бўлиши, бу жараён устидан арз ва шикоятлар эса суд тартибида кўриб чиқилиши лозим.
3. Мутасаддилар амалда давлат ва партия ўртасида аниқ чегарани ўтказиши лозим. Мансабни суиистеъмол этишга қарши самарали жазо механизмини жорий этиш ва қўллаш лозим.

<sup>108</sup> ЕХХТнинг 1999 йилда [Истанбулда қабул қилинган ҳужжатининг](#) 24-бандига мувофиқ ЕХХТга иштироқчи давлатлар ўз зиммаларига “ДИИХТнинг сайлов соҳасидаги баҳолашлари ва тавсияларига дарҳол риоя этиши” мажбуриятини олганлар. Аввалги тавсияларга риоя этилганлигини ДИИХБ қўйдагича баҳолайди:- 2019 йилдаги [парламент сайловларининг якунлари](#) бўйича берилган 17, 25, 31 ва 32 рақамли ҳамда 2016 йилдаги [президентлик сайловларининг якуний хулосаларидаги](#) 12 рақамли тавсиялар тўлиқ татбиқ этилган. - 2019 йилдаги парламент сайловларининг якунлари бўйича берилган 15, 21, 23, 30, 31 рақамли ҳамда 2016 йилдаги президентлик сайловларининг якуний хулосаларидаги 2, 5, 8, 11, 14, 17, 20, 21, 22, 23 рақамли тавсиялар асосан татбиқ этилган.- 2019 йилдаги парламент сайловларининг якунлари бўйича берилган 2, 10, 11, 12, 13, 14, 16, 26, 28 рақамли ҳамда 2016 йилдаги президентлик сайловларининг якуний хулосаларидаги 1, 3, 10, 13, 19 рақамли тавсиялар қисман татбиқ этилган. Шунингдек, ДИИХБ [сайловлар билан боғлиқ тавсиялар базасига](#) қаранг.

4. Тухмат ва бўхтон тушунчалари қонунчиликда аниқ тавсифланиши лозим. Халқаро стандартларга мувофиқ тарзда бу қоидабузарликларни декриминаллаштириш, белгиланган жиноий жазони жабрланувчининг обрўсини тиклашга қаратилган маъмурий чоралар билан алмаштириш лозим. Белгиланган жарималар мутаносиб бўлиши ҳамда сўз ва фикр эркинлигига раҳна солувчи бўлмаслиги лозим. Қонунчиликда алоҳида давлат хизматчилари ёки жамоат арбобларига нисбатан устивор ҳимоя механизмлари ёки уни ҳақорат қилганлик учун каттароқ жазо белгиланмаслиги лозим.
5. Тил билиш, муқим истиқомат, ногиронлик ва партиявийлик билан боғлиқ чекловлар халқаро стандарт ва мажбуриятлар билан мувофиқлаштирилиши лозим.
6. Сайловчилар рўйхати ҳамда овоз бериш жараёнининг эҳтимолий суиистеъмолига қарши чора сифатида сайлов куни сайловчилар рўйхатига қўшимча қилиш фақатгина аниқ белгиланган қоидалар асосида суд ёки маъмурий тартибда бўлиши лозим.
7. Халқаро стандартларга мувофиқ, вебсайтларнинг блоклаш контентни назорат қилиш, чегаралараро ахборот оқимиини чеклаш ёки танқидий чиқишиларга жазо сифатида хизмат қилмаслиги керак. Вебсайтлар фақатгина қонунчиликда белгиланган холис ва шаффофф мезонлар асосида блокланиши мумкин. Шунда ҳам муайян саҳифалар блокланиб, бутун бошли вебсайтни блоклаш мақсадга мувофиқ эмас. Блокланаётган вебсайтлар ва жамоатчилик чекловнинг сабабларидан хабардор қилиниши лозим ва бу қарор устидан шикоят киритиш имконига эга бўлиши керак.
8. Сайлов жараёнида мустақил фуқаролик ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларига кузатувчиликни амалга ошириш имконияти берилиши, тегишли қонунчилик қайта кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.
9. УСКларнинг, жумладан маҳалла қўмиталаридан мустақиллигини ошириш мақсадида комиссия аъзоларини тайинлаш тартиби ва мезонлари аниқлаштирилиши лозим. Сайловни ташкил этиш амалиётини тизимлаштириш мақсадида УСК аъзолари ягона стандартлар асосида ўқитилиши лозим.

## B. БОШҚА ТАВСИЯЛАР

### САЙЛОВ ТИЗИМИ ВА ҚОНУНЧИЛИГИ

10. Сайлов қонунчилигини ислоҳ қилишга қаратилаётган ҳаракатлар ДИИХБнинг ушбу ва аввалги ҳисботларида аниқланган камчиликларни ўзаро маслаҳатлашув орқали бартараф этишда давом этиши лозим.

### САЙЛОВ МАЪМУРЧИЛИГИ

11. Сайлов маъмуриятида хотин-қизларнинг иштирокини яънада ошириш масалаларига эътибор қаратиш лозим.

### САЙЛОВЧИЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

12. Ҳуқуқий лаёқати деб сайлов ҳуқукини чеклашни қайта кўриб чиқиш ва халқаро мажбуриятларга мослаҳатлаштириш лозим.

13. Сайлов жараёни фақатгина ваколатли идоралар томонидан ташкил этилиши лозим, сайлов комиссияларининг аъзолари ва бошқа мансабдор шахсларнинг, жумладан маҳалла қўмиталарининг аъзолари ва фаолларининг функционал вазифалари ўртасидаги чегаралар аниқ ўтказилган бўлиши керак.

## САЙЛОВОЛДИ КАМПАНИЯСИ

14. Хотин-қизларнинг жамоат ҳаётидаги ва сиёсатидаги, айниқса қарор қабул қилувчи юқори мансаблардаги улушини янада ошириш мақсадида кенг ҳуқуқий, институционал ва маърифий чоралар кўрилиши лозим. Сиёсий партияларга аёлларнинг сиёсий карьерасида кўмаклашиши, сайловолди кампанияларидаги ўрнини ошириши ва гендер масалаларини ўз дастурларига киритиши тавсия этилади. Шу мақсадда гендер тенгликни тарғиб қилаётган партияларнинг давлат бюджетидан молиялаштирилиш ҳажмини ошириш, партияларнинг аёллар қанотига моддий ёрдам бериш масаласини кўриб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

## САЙЛОВ КАМПАНИЯСИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

15. Сайловчиларнинг сиёсий иштироки ва плюрализмни янада тарғиб этиш мақсадида, сайловолди кампаниясини молиялаштириш қоидалари халқаро илғор тажриба билан мувофиқлаштирилиши лозим. Инсонлар ҳам сайловолди кампаниясини ўз ҳисобидан, хайриялар эвазига молиялаштириш имконига эга бўлиши лозим. Қонунчиликда ушбу хайриянинг ҳажми, вақти ва усули борасида муайян қоидалар, ҳамда ушбу шахсий манбадан келаётган маблағлар ҳақида ҳисобот бериш ва аудитдан ўтказиш талаблари кўзда тутилган бўлиши мумкин.
16. Шаффоффлик ва ҳисобдорликни ошириш мақсадида, сайловолди кампанияси билан боғлиқ барча молиявий ҳисоботлар, шу жумладан оралиқ ҳисоботи ҳам, ўз вақтида ошкор этилиши керак. Кампанияни молиялаштириш билан боғлиқ қоидабузарликларга мутаносиб ва таъсирчан жазо чораларини қўллаш масаласи кўриб чиқилиши лозим.

## МЕДИА

17. Узатилаётган ахборот турини, сифатини ошириш ва фикр плюрализмини таъминлаш мақсадида давлатга оид МТРКни турли манбалардан молиялаштириладиган, мустақил раҳбарият бошчилигида аниқ белгиланган жамоавий талабга биноан фаолият юритадиган жамоат компаниясига айлантириш тавсия этилади. Бундай телерадиокомпания сиёсий воқеликни, жумладан сайловларни бетараф ва вазмин усулда ёритиши талаб этилади.
18. Инсонларнинг маълумот олиш ҳуқуқи ва сайловчиларнинг муносиб танловига кўмаклашиш мақсадида мутасаддилар жамоатчилик манфаатидаги идоравий маълумотларни фаол ва барвакт чоп этиб туриши лозим. Бундай маълумот олиш учун осон, тез, самарали ва амалий шаклда тақдим этилиши лозим.
19. Учинчи томон ахборотининг холислиги ва ишончлилиги учун уни ўз платформасида тарқатган ўртакаш ОАВ ёки блогерларни жавобгар қилувчи қонунчилик нормалари бекор килиниши лозим, чунки бундай жавобгарлик сайловолди кампаниясидаги баҳс-мунозарани ихоталашига олиб келади. Бунга истисно ушбу контентга аралашган ёки мустақил, бетараф назорат органининг контентни ўчириш қонуний талабномасига бўйсунмаган ОАВ ёки блогерлар бўлиши мумкин.

20. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигини шаффоф ва жамоатчилик олдида хисобдор, функционал вазифалари аниқ белгиланган, мустақил, холис ва жамоавий бошқарувдаги назорат органига айлантириш масаласини кўриб чиқиши мақсадга мувофиқдир. Бу орган бошқарув аъзоларини тайинлаш механизми турфаликни акс этишга ҳамда манбаатлар тўқнашувини олдини олишга қаратилган бўлиши лозим.

## ШИКОЯТЛАР ВА АППЕЛЯЦИЯ

21. Қонунчиликни ўзбошимча талқин этишнинг олдини олиш, самарали ҳуқуқий ҳимояни таъминлаш мақсадида Сайлов кодексининг сайлов натижалирини белгилаш ҳақидаги моддалари янада аниқлаштирилиши керак.
22. Ҳуқуқий аниқликни ўрнатиш мақсадида, сайловга доир қонунбузарликлар учун жавобгарлик тизими ислоҳ қилиниб, сайлов жараёснига таъсир қилувчи барча қоидабузарликлар учун ва эҳтимолий қоидабузарларга нисбатан самарали жазо механизми жорий этилиши лозим.

## САЙЛОВ КУНИ

23. УСК фаолиятига ножоиз аралашишни олдини олиш ва жазолашга қаратилган самарали чоралар кўрилиши лозим.
24. Сайлов шаффофлиги ва ҳалоллигини ошириш мақсадида, МСК ўз вебсайтида ОСК ва УСК даражасидаги дастлабки ва якуний натижаларни иложи борича тезкор чоп этиши мақсадга мувофиқдир.

**ИЛОВА I: САЙЛОВНИНГ ЯКУНИЙ НАТИЖАЛАРИ<sup>109</sup>**

Партия	Овозлар	Фоизда
Бахром Абдуҳалимов (АСДП)	549,766	3.4
Алишер Қодиров (МТДП)	888,513	5.5
Шавкат Мирзиёев (ЎзЛиДеп)	12,988,964	80.1
Нарзулло Обломуродов. (ЭП)	670,641	4.1
Максуда Ворисова (ХДП)	1,075,016	6.6

Жами рўйхатга олинган сайловчилар сони	20,158,907
Сайловда қатнашганларнинг умумий давомати	16,212,343 (80.42%)
Ҳақиқий деб топилган сайлов бюллетенларнинг сони	16,172,900
Ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенларнинг сони	39,443 (0.24 %)

<sup>109</sup>

МСК раисининг [баёноти](#).

## ИЛОВА II: САЙЛОВЛАРНИ КУЗАТИШ ХАЛҚАРО МИССИЯСИ ТАРКИБИДАГИ КУЗАТУВЧИЛАР РЎЙХАТИ

### ЕХХТ Парламент Ассамблеяси

Райнолд Лопатка	Махсус координатор	Грузия
Даниэла Де Риддер	Делегация раҳбари	Норвегия
Ферран Коста	Депутат	Андорра
Ахел Кассеггер	Депутат	Австрия
Николаус Счерак	Депутат	Австрия
Харалд Жосеф Троч	Депутат	Австрия
Давор Бернардис	Депутат	Хорватия
Жан Хорник	Депутат	Чех Республикаси
Ладислав Вацлавек	Депутат	Чех Республикаси
Жан Залоудик	Депутат	Чех Республикаси
Райдма Мати	Депутат	Эстония
Эева-Жоханна Элоранта	Депутат	Финляндия
Пиа Каума	Депутат	Финляндия
Жоонас Контта	Депутат	Финляндия
Жоханнес Кошкинен	Депутат	Финляндия
Ауде Бено-Вандорме	Депутат	Франция
Валерие Боер	Депутат	Франция
Франсоис Жоливет	Депутат	Франция
Жеан-Йвес Леконте	Депутат	Франция
Дидиер Парис	Депутат	Франция
Андреи Хунко	Депутат	Германия
Чристоф Нойманн	Депутат	Германия
Виктор Паул Подолай	Депутат	Германия
Анастасия Гкара	Депутат	Греция
Димитриос Маркапоулос	Депутат	Греция
Георгиос Ваременос	Депутат	Греция
Зенгер Зенгер-Залан	Депутат	Венгрия
Михаил Крид	Депутат	Ирландия
Мауро Дел Барба	Депутат	Италия
Жианлука Феррара	Депутат	Италия

Эммануэле Скаgliучи	Депутат	Италия
Вито Ваттуоне	Депутат	Италия
Акмарал Алназарова	Депутат	Қозогистон
Бакит Торобаев	Депутат	Қирғизистон
Рада Туманбаева	Депутат	Қирғизистон
Густаве Граас	Депутат	Люксембург
Клауде Хааген	Депутат	Люксембург
Жосе Лоршे	Депутат	Люксембург
Лидия Мутч	Депутат	Люксембург
Арда Геркенс	Депутат	Нидерландлар
Фарах Карими	Депутат	Нидерландлар
Барбара Бартус	Депутат	Польша
Радослав Фогиел	Депутат	Польша
Казимиерз Клеина	Депутат	Польша
Роберт Квиатковски	Депутат	Польша
Жоанна Личоска	Депутат	Польша
Дариусз Росати	Депутат	Польша
Агниешка Соин	Депутат	Польша
Жасек Влосович	Депутат	Польша
Костел Некулаи Дунава	Депутат	Румыния
Каталин Даниел Фенечиу	Депутат	Румыния
Габор Хажду	Депутат	Румыния
Сцаба Кончей	Депутат	Румыния
Кристине Теллманн	Депутат	Румыния
Богдан-Андрей Тоадер	Депутат	Румыния
Мичеле Муратори	Депутат	Сан Марино
Паоло Ронделли	Депутат	Сан Марино
Петер Осуский	Депутат	Словакия
Жохан Бусер	Депутат	Швеция
Маргарета Седерфелт	Депутат	Швеция
Жасенко Оманович	Депутат	Швеция
Ясмине Посио	Депутат	Швеция
Ларс Томссон	Депутат	Швеция

Селами Альтинок	Депутат	Туркия
Юсуф Басер	Депутат	Туркия
Мехмет Сайд Киразоглу	Депутат	Туркия
Хисяр Озсой	Депутат	Туркия
Артур Герасимов	Депутат	Украина
Вадим Халаичук	Депутат	Украина
Евхения Кравчук	Депутат	Украина
Микита Потураев	Депутат	Украина
Сергии Рахманин	Депутат	Украина
Лукас Мусси	Делегация ходими	Австрия
Жеан-Лус Блоуэт	Делегация ходими	Франция
Томас Гримм	Делегация ходими	Германия
Георгиос Чемпоурис	Делегация ходими	Греция
Темирлан Маришов	Делегация ходими	Қирғизистон
Нурлан Мирзаяров	Делегация ходими	Қирғизистон
Марсин Мыйкиетинский	Делегация ходими	Польша
Анса Константин	Делегация ходими	Румыния
Жонатан Демнер	Делегация ходими	Швеция
Фредерик Свенссон	Делегация ходими	Швеция
Эсем Даник Гокче	Делегация ходими	Туркия
Алла Глушченко	Делегация ходими	Украина
Виллиам Коннор	Делегация ходими	АҚШ
Жанис Хелвиг	Делегация ходими	АҚШ
Фаримах Дафтари	EXХТ ПА Котибияти	Франция
Стефание Колчанов	EXХТ ПА Котибияти	Франция
Лоис Поулайн	EXХТ ПА Котибияти	Франция
Нина Хенке	EXХТ ПА Котибияти	Германия
Фрейжа Коши	EXХТ ПА Котибияти	Германия
Роберто Монтелла	EXХТ ПА Котибияти	Италия
Гуидо Алмеригогна	EXХТ ПА Котибияти	Италия
Анна Ди Доменисо	EXХТ ПА Котибияти	Италия
Дария Боярская	EXХТ ПА Котибияти	Россия Федерацияси
Димитриже Тодорис	EXХТ ПА Котибияти	Сербия

Манучехр Салохудинов

ЕХХТ ПА Котибияти

Тожикистон

### Европа Парламенти

Хейди Хаутала	Делегация раҳбари	Финляндия
Атидзе Алиева-Вели	Депутат	Болгария
Рихо Террас	Депутат	Эстония
Максимилиан Крах	Депутат	Германия
Андрис Америкс	Депутат	Латвия
Ричард Чарнески	Депутат	Польша
Якоп Г. Далунде	Депутат	Швеция
Олинка Хармениес	Делегация ходими	Белгия
Жулиана Шмит	Делегация ходими	Германия
Жоанна Реждийч	Делегация ходими	Польша
Каролине Костелло	Европарламент Котибияти	Ирландия
Кристина Кастангноли	Европарламент Котибияти	Италия
Элена Франчешинис	Европарламент Котибияти	Италия

### ДИИХБ СКМ қисқа муддатли кузатувчилари

Лианна Мкртчян	Арманистон
Ани Мнатсаканян	Арманистон
Анна Погосян	Арманистон
Тигран Саядян	Арманистон
Шахин Асадли	Озарбайжон
Раван Гурбанов	Озарбайжон
Карел Каппелле	Белгия
Гилом Чокуэт	Белгия
Хелена Саэлман	Белгия
Ан Ван де Каутер	Белгия
Элиска Флидрова	Чех Республикаси
Филип Канда	Чех Республикаси
Вероника Миткова	Чех Республикаси
Алена Обрусникова	Чех Республикаси

Жосеф Панек	Чех Республикаси
Микаэла Поспишилова	Чех Республикаси
Ян Сир	Чех Республикаси
Гретхе Билле	Дания
Санне Хоулинд	Дания
Жонас Жепсен	Дания
Микаэл Странд	Дания
Сулев Лаане	Эстония
Надине Ачоуи-Лесаге	Франция
Кристиан Бартлен	Франция
Александр Биллауд-Сурвале	Франция
Филиппине Брийго	Франция
Зое Де Надаи	Франция
Мелисса Диагне	Франция
Жоселин Гуиттон	Франция
Пассале Ле Хел	Франция
Матё Лемоине	Франция
Реми Пеллерин	Франция
Малхаз Чкадуа	Грузия
Гиорги Эзугбая	Грузия
Нино Ризхамадзе	Грузия
Кристина Толордава	Грузия
Ребека Альт	Германия
Петер Бесселманн	Германия
Хелмар Бонлеин	Германия
Даниел Бронкал	Германия
Эдгар Бруэсер	Германия
Жан Бусч	Германия
Улрике Дэсслер	Германия
Томас Доэн	Германия
Кристофф Эссерт	Германия
Микаэл Хен	Германия

Йоахим Кэцлер	Германия
Стефан Коэппе	Германия
Аннели Косчелла	Германия
Даниел Кунхенрих	Германия
Ребека Меир	Германия
Хайко Майнхардт	Германия
Анжа Мир	Германия
Петра Рут	Германия
Йоханнес Шлихте	Германия
Лин Швайзфурс	Германия
Кристиан Сеилер	Германия
Флориан Сеитц	Германия
Анка Стан	Германия
Кристоф Веит	Германия
Микаэл Вален	Германия
Кристина Катона	Венгрия
Жулиа Попелисс	Венгрия
Эмесе Тот	Венгрия
Роселла Бонариго	Италия
Энрика Бранчалеони	Италия
Сесира Дамиани	Италия
Массимилиано Макри	Италия
Андреа Манта	Италия
Федерико Орси	Италия
Франческо Палетти	Италия
Даниеле Сферра	Италия
Рената Тардиоли	Италия
Иляс Курманов	Қозогистон
Меерим Кубаничбек	Қирғизистон
Рустам Токоев	Қирғизистон
Азизбек Усманов	Қирғизистон
Нида Далмантайтэ	Литва

Лиана Вазбиене	Литва
Ион Маноле	Молдова
Элена Прохнитчи	Молдова
Маартен Хореман	Нидерландлар
Паулине Мичгелсен	Нидерландлар
Лодевижк Ван Баннинг	Нидерландлар
Мария Ида Вриженс	Нидерландлар
Ханне Хансон	Норвегия
Марсия Андреа Хаугедал	Норвегия
Марен Сагвааг Ретланд	Норвегия
Нина Вессел	Норвегия
Премишлав Далек	Польша
Андрей Фафара	Польша
Ярослав Годун	Польша
Матеуш Камионка	Польша
Малгорзата Латкиевич-Павлак	Польша
Мариус Марчевски	Польша
Марек Матуциак	Польша
Масиеж Миелник	Польша
Магдалена Опалка	Польша
Беата Пекса	Польша
Радослав Петерман	Польша
Магдалена Полак-Золодкиевич	Польша
Михал Сарниски	Польша
Адам Сауэр	Польша
Элзбиета Свидровска	Польша
Паула Мачадо	Португалия
Мария Маркуилас	Португалия
Герман Абдуллаев	Россия Федерацияси
Диана Аинетдинова	Россия Федерацияси
Руслан Арсанукаев	Россия Федерацияси
Сергей Бабуркин	Россия Федерацияси

Дмитрий Багдулин	Россия Федерацияси
Карина Багиева	Россия Федерацияси
Андрей Бородин	Россия Федерацияси
Борис Диаконов	Россия Федерацияси
Дмитрий Дриучин	Россия Федерацияси
Камилия Дзхаббарова	Россия Федерацияси
Иван Фетисов	Россия Федерацияси
Олег Франтсев	Россия Федерацияси
Денис Гнедин	Россия Федерацияси
Анна Гозхина	Россия Федерацияси
Олга Карсанова	Россия Федерацияси
Мария Катаева	Россия Федерацияси
Алеся Каляпина	Россия Федерацияси
Павел Копченков	Россия Федерацияси
Александр Ланкевич	Россия Федерацияси
Анна Лисенина	Россия Федерацияси
Анна Макаренкова	Россия Федерацияси
Иван Минкевич	Россия Федерацияси
Алексей Мосин	Россия Федерацияси
Андрей Оствалд	Россия Федерацияси
Сергей Оверченко	Россия Федерацияси
Всеволод Перевозчиков	Россия Федерацияси
Дмитрий Семёнов	Россия Федерацияси
Руслан Шемелин	Россия Федерацияси
Наталия Спиридонова	Россия Федерацияси
Андрей Телушкин	Россия Федерацияси
Святослав Терентьев	Россия Федерацияси
Владимир Титов	Россия Федерацияси
Мария Вилкова	Россия Федерацияси
Элена Виноградова	Россия Федерацияси
Александр Владиченко	Россия Федерацияси
Бенадик Кисс	Словакия

Виктор Карлос	Испания
Пассуал Планчуэло	Испания
Алехандро Вивансос Галиано	Испания
Гунилла Давидссон	Швеция
Сарл Матти Эк	Швеция
Маж Густафссон	Швеция
Ханс Ларссон	Швеция
Анна Мәрит Межхерт Селтборг	Швеция
Бертил Андреас Перссон	Швеция
Миа Римбй	Швеция
Мичеле Саластри	Швейцария
Франсине Жон	Швейцария
Фритз Кребс	Швейцария
Аннина Шнайдер	Швейцария
Ферда Аккерман	Туркия
Ресул Ялчин	Туркия
Самвел Арутюнян	Украина
Артем Бийкало	Украина
Алла Скрийпник	Украина
Станислав Золудиев	Украина
Катерина Коттрелл	Бирлашган Қироллик
Симон Коттрелл	Бирлашган Қироллик
Жон Эрлс	Бирлашган Қироллик
Мелание Лезерс	Бирлашган Қироллик
Эмма Масри	Бирлашган Қироллик
Тимоти Торлот	Бирлашган Қироллик
Денис Ваддингам	Бирлашган Қироллик
Элисабет Росенсток-Силлер	АҚШ
Омар Бартос	АҚШ
Кристофер Бек	АҚШ
Петер Бежгер	АҚШ
Йосеф Броссарт	АҚШ

Барбара Сатес	АҚШ
Сесиля Сиепиела-Каэлин	АҚШ
Катерне Харпер	АҚШ
Барбара Жасксонмсинтош	АҚШ
Жуние Йозеп	АҚШ
Мари Жуди	АҚШ
Лециа Лозовий	АҚШ
Эда Матчак	АҚШ
Николас Мазик	АҚШ
Жамес Макю	АҚШ
Кристина Митчелл	АҚШ
Келли Паислей	АҚШ
Кати Паркисон	АҚШ
Ураня Петит	АҚШ
Себастиен Пейруз	АҚШ
Тристан Пиерс	АҚШ
Гинетте Профете	АҚШ
Ралей Куинсенберри	АҚШ
Матю Регер	АҚШ
Филип Рихтер	АҚШ
Грегорий Слотта	АҚШ
Роберт Соренсон	АҚШ
Марій Стегмаиер	АҚШ
Шапари Такселл	АҚШ
Меган Тинглей	АҚШ
Лаурен Веинер	АҚШ
Роксана Вайсс	АҚШ
Деги Вилхелм	АҚШ
Шари Вилсон	АҚШ
Кайл Воод	АҚШ
Этан Яке	АҚШ

### ДИИХБ СКМ асосий гурухи

Оуэн Мёрфи	ДИИХБ СКМ раҳбари	Ирландия
Ингрид Госсингер		Австрия
Елена Ковалёва		Беларус
Антон Томсен		Дания
Микеил Голижашвили		Грузия
Силке Титтел		Германия
Ахмад Расули		Қирғизистон
Роман Раилеян		Молдова
Макс Бадер		Нидерландлар
Ян Карески		Шимолий Македония
Михал Галковски		Польша
Бартош Лех		Польша
Мария Краузе		Румыния
Ивана Станожев		Сербия
Егор Тилпунов		Украина
Евгения Замрии		Украина
Крис Тейлор		Бирлашган Қироллик

### ДИИХБ СКМ узоқ муддатли кузатувчилари

Аднан Хабул	Босния ва Герцеговина
Павлина Оман	Чех Республикаси
Мартин Окнехт	Чех Республикаси
Поул Сване	Дания
Жаана Кархило	Финляндия
Бенедикте Контамин	Франция
Александре Биллетте	Франция
Лела Талиури	Грузия
Хеике Бадденхаусен	Германия
Кирстен Мюллер	Германия
Балаш Радос	Венгрия

Даниела Боттигелли	Италия
Фабрицио Виелмини	Италия
Раушан Болоталиева	Қирғизистон
Рикардас Рамоска	Литва
Инеке Аппел	Нидерландлар
Томас Хаг	Норвегия
Тронд Хасби	Норвегия
Якуб Херолд	Польша
Вожсич Поникиевски	Польша
Эвгений Логинов	Россия Федерацияси
Алессандро Бартолини	Швеция
Жоханна Линдён	Швеция
Томас Холцер	Швейцария
Мартин Миндер	Швейцария
Марк Валлер	Бирлашган Қироллик
Хелен Корнблум	АҚШ
Жессика Наш	АҚШ

## ДИИХБ ҲАҚИДА

Демократик институтлар ва инсон хукуклари бўйича бюро (ЕХХТ/ДИИХБ) аъзо давлатларга “инсон хукуклари ва асосий эркинликларни тўлиқ таъминлаш, қонун устуворлигига риоя қилиш, демократик тамойилларни рағбатлантириш ва (...) демократик институтларни шакллантириш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишда ҳамда бутун жамият кўламида бағрикенгликни ривожлантиришда” ёрдам кўрсатишга чакирилган ЕХХТнинг асосий институтидир (1992 йилги Хелсинки саммити ҳужжати). Бу ЕХХТнинг инсоний ўлчови хисобланади.

Варшавада (Польша) жойлашган ЕХХТ/ДИИХБ 1990 йилдаги Париж саммитида Эркин сайловлар бюроси сифатида ташкил этилган бўлиб, 1991 йил май оидан ўз фаолиятини бошлаган. Бир йил ўтгач бюронинг ваколати инсон хукуклари ва демократлаштириш масалаларини ўз қамровига олиши туфайли кенгайиб, бу ўзгаришлар унинг номида ҳам ўз аксини топди. Ҳозирги кунда бюро штатида 130 нафардан ортиқ ходим ишлади.

ЕХХТ/ДИИХБ Европада **сайловларни кузатиш** соҳасида етакчи ташкилот хисобланади. Ҳар йили бюро ЕХХТ минтақасида ўтказилаётган сайловлар ЕХХТ доирасидаги мажбуриятлар, демократик сайловлар ўтказиш бўйича бошқа халқаро стандартлар ва миллий қонунчиликка мослигини баҳолаш учун минглаб кузатувчилар сафарбарлигини мувофиқлаштиради ва ташкил этади. Унинг ноёб методологияси сайлов жараёнининг барча жиҳатларини чукур таҳлил қилиш имконини беради. Ёрдам кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш орқали ЕХХТ/ДИИХБ аъзо давлатларга сайлов пойdevorини мустаҳкамлашга кўмак беради.

Бюронинг **демократлаштириш** бўйича фаолияти қуйидаги соҳаларни ўз ичига олади: қонун устуворлиги, қонунчилик соҳасида кўмак, демократик бошқарув, миграция ва кўчиш эркинлиги, ҳамда гендер тенглик. ЕХХТ/ДИИХБ демократик тузилмаларни ривожлантириш бўйича ҳар йили бир қатор аниқ мақсадга ўйналтирилган дастурларни амалга оширади.

Шунингдек, ЕХХТ/ДИИХБ аъзо давлатларга ЕХХТ инсоний ўлчовлари борасида қабул қилинган **инсон хукуклари ва асосий эркинликларини** мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш бўйича уларнинг мажбуриятларини бажаришда кўмак беради. Бунга терроризмга қарши курашиш шароитларида инсон хукуқларига риоя этиш, одам савдоси курбонларининг хукуклари ҳимоясини кучайтириш, инсон хукуклари борасида ўқитиш ва ўргатиш, инсон хукукларининг риоя қилинишини мониторинг қилиш ва ҳисботот бериш, шунингдек, хотин-қизлар хукуклари ва уларнинг хавфсизлиги каби соҳаларда ҳамкорликни рағбатлантириш, имкониятларни ривожлантириш ва тажриба алмашиш мақсадида кенг доирадаги ҳамкорлар билан биргаликдаги ишлар воситасида эришилади.

**Бағрикенглик ва камситмаслик соҳалари** доирасида ЕХХТ/ДИИХБ нафрат, ирқчилик авж олиши, ксенофобия, антисемитизм ва бағрикенгизликтининг бошқа шаклларида қарши курашиш қўллаб-қувватлашда аъзо давлатларга ёрдам кўрсатади. Бағрикенглик ва камситмаслик борасидаги ЕХХТ/ДИИХБ фаолияти қуйидаги соҳаларга қаратилган: қонунчилик; қонунларни ижро этиш таълими; нафрат асосидаги жиноят ва ҳодисаларни мониторинг қилиш, улар юзасидан ҳисботлар тайёрлаш ва уларга жавобан ҳаракат қилиш; бағрикенглик, ҳурмат ва ҳамжиҳатликни рағбатлантириш бўйича ўқитиш тадбирлари.

**ЕХХТ/ДИИХБ рома ва синти (лўли)** халқларига нисбатан сиёsat борасида аъзо давлатларга маслаҳатлар беради. Бюро рома ва синти жамоалари орасида имкониятларни ривожлантириш ва алоқалар ўрнатишни ўйналтиради ҳамда рома ва синти вакилларининг хукумат органларида иштирокини рағбатлантиради.

ДИИХБнинг барча тадбирлари ЕХХТга аъзо давлатлар, ЕХХТ институт ва ўзга мамлакатлардаги миссиялари, ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда ўтказилади.

Кўшимча маълумотларни **ДИИХБнинг** Интернет тармоғидаги сайтидан олиш мумкин (<http://www.osce.org/odihr>).